КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 32 (3260). | Сешанба, 15 февраль 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

„Учқун» кўн-галантерия фабрикаси цехларида юз хилга яқин турли хил буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг барчаси сифатли. Корхона коллективи эришаётган муваффақиятларда Озода Шораҳимованинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Суратда: тежамкор ишчи ўртоқ О. Шораҳимова.

А. Тўраев фотоси.

ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛАРИ МУСОБАҚАДА ҒОЛИБ ЧИҚДИЛАР

Қишлоқ хўжалиги учун машиналар етказиб бераётган корхоналарнинг Бутуниттифоқ мусобақасида «Узбексельмаш» заводининг коллективи фахрий ўринни эгаллади. Бу ерга қувончли хабар келди. Ўтган йил IV кварталдаги иш якунлари учун заводга биринчи ўрин берилди ҳамда трактор ва Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги билан Машинасозлик ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Корхона директори Н. Р. Мирзараҳимов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Завод ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш квартал планини 321 минг сўмга ошириб бажаждарди. Колхоз ва совхозлар қўшимча суратда ўнлаб сеялка, подборщик ва бошқа машиналар олдилар. Шу билан бирга, маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 70 минг сўм маблағ тежалди. Меҳнат унумдорлигининг ортиши асосий резерв бўлиб қолди. 70 та йирик ташкилий техника тадбирининг жорий қилинганлиги ана шу кўрсаткич топширигини 5,3 процент ошириб бажаришга ёрдам берди.

Беш йилликнинг бошида иккита янги машинани ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тупроққа гербицидлар соладиган 300 та мослама тайёрланди. Ой охирига бориб, 460 та ана шундай механизм ишлаб чиқариш тўғрисидаги топшириқ тўла бажарилади. «СЧХ-4-А» маркали сеялкаларни йигишга кўчирилгач асосий конвейер график асосида ишлай бошлади.

Завод коллективи КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, Бутуниттифоқ мусобақасида ўзининг етакчи ўринда қолишини таъминлашга қарор берди.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги билан машинасозлик ходимлари касаба союзининг Марказий Комитети мусобақада иккинчи ўринни «Ташавтомаш» заводининг коллективига берди.

ҲАММАГА ЎРНАК

Ажойиб мўъжиза. Пакетлардаги турли рангли порошоклар машина қолипида зум ўтмай силлиқ таблеткаларга айланмоқда. Улар ҳар хил. Катталиги ҳам, оғирлиги ҳам бир-бирига ўхшамайди. Иброҳим процессларни жиддий кузатиб турибди. Машина ҳар минутда етти марта айланмоқда. Машинист қисмлар ҳаракатини тезлаштирувчи бир неча тадбирларни амалга оширди. Мақсадига эришди ҳам. Мана ҳозир таблетка машинаси илгаригидан уч марта кўп айланмоқда.

Иброҳим Каримовнинг бу иши исрофгарчиликка ҳам чек қўйди. Илгари машинанинг секин айланиши натижасида таблеткалар бўлакларга бўлиниб чиқарди. Шунда уларнинг кўп қисми тўкилиб-сочилиб кетарди. Энди бундай бўлмайди. К-18-48, К-22 маркали озуқалар билан ишлайдиган пресслар ҳам ҳаракатсиз турмайди.

Иброҳим Каримов янгиликлар ижодкори бўлиш билан бирга ёшларнинг тарбиячиси ҳамдир. У ҳозир Г. Фаизова ўз тажрибаларини ўргатмоқда. Устоз ўз шогирди билан бирга москвалик ва ленинградликлар ташаббусига қўшилиб порошоклардан тежаб-тергаб фойдаланиш йўлларини изламоқда.

Моҳир ишчи Ф. Каримовнинг ғайратидан Тошкент пластмасса заводи коллективи ғоятда хурсанд.

А. НОСИРОВА.

Коммунистик меҳнат зарбдори Тожибой Раҳимов «Таштекстильмаш» заводида чорак асрдан бери ишлаб келяпти. У ҳозир илғор пресчи, КПСС XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ажойиб муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Суратда: ўртоқ Т. Раҳимов.

В. Лейзерович фотоси, ЎзТАГ фотохроникаси.

ИЛМИЙ БИЛИМЛАР ОММАГА

Коммунистик партия мамлакатни янада юксак чўққиларга кўтариш ниятида муҳим тадбирларни кўрмоқда. Партия, жумладан, саноат ва қишлоқ хўжалигини тағин ҳам ривожлантиришнинг, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида техника прогрессини авж олдиришнинг илмий жиҳатдан асосланган ҳамда социализм объектив иқтисодий қонунларидан келиб чиққан программасини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида хўжалик ва маданий қурилиш, коммунистик тарбия олдида турган вазифалар фаннинг ролини тағин ҳам ошириб юборди, меҳнаткашлардан илмий билимларни пухтароқ эгаллаб олишни талаб этмоқда.

Илмий билимларни пропаганда қилиш партия олиб бораётган бутун тарбиявий, идеология ишининг таркибий қисмидир. КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь [1965 йил] Пленумлари илмий билимларни пропаганда қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Партия ташкилотларининг эътибори иқтисодий билимларни кенг оммалаштириш, техника прогрессини тезлаштириш, меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, фан ва техника ютуқларидан ўз вақтида самаралари фойдаланиш масалаларига жалб этилди.

Энг янги илмий кашфиётлар ҳаётнинг турли соҳаларига, совет кишилари фаолияти ва турмушига мисли кўрилмаган тез суръатлар билан кириб бормоқда. Замонамизга хос бу ҳислат ўз навбатида ҳозирги замон фани ва техникаси проблемаларига бўлган оммавий қизиқишни борган сари орттирмоқда. Областимизда меҳнаткашларнинг билимлар га бўлган эҳтиёжини қондириш учун илмий пропаганданинг хилма-хил воситалари мавжуддир. Мунтазам ишлаб турган лекторийлар, «Билим» жамияти область бўлимининг жойлардаги 400 та бошланғич ташкилоти, музейлар, планетарий, радио ва телевидение, клублар ва маданият саройлари — фан-техника ютуқларини оммалаштиришнинг кенг имкониятлари ана шулардир. Ҳамма гап меҳнаткашларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш ҳамда халқнинг билими ва маданиятини оширишда ана шу воситалардан тўла, оқилона фойдалана билишдадир.

Областимизда техника-иқтисодий, атеистик, коммунистик тарбияга доир ва бошқа билимларни пропаганда қилишда турли формалардан фойдаланилмоқда. Савол-жавоб кечалари, илмий-назарий ва иқтисодий конференциялар, лекция ва суҳбатлар, илмий-оммабоп фильмларни намойиш қилиш, халқ университетлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Иқтисодий билимлар, илғор тажриба ва меҳнатни ташкил этишнинг энг эффектив методларини ҳамда коммунистик тарбия асосларини пропаганда қилишда Тошкент давлат университети, Давлат педагогика институти, Политехника, Халқ хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги, Темир йўл транспорти инженерлари институтлари ва бошқа олий ўқув юртларининг ҳамда республика Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг ўқитувчилари, олимлари активлик кўрсатмоқдалар. Илмий билимларнинг жонкуяр пропагандистлари бўлмиш фан арбоблари А. Дадабоев, Х. Усмонов, М. Муҳаммаджонов, О. Аминов, А. Магурдумов, химик олим Ғ. Хўжаев, философлардан П. Ҳамидов, И. Исҳоқов ва бошқа тажрибали мутахассислари область меҳнаткашлари орасида тез-тез учратиш мумкин. «Билим» жамиятининг область ташкилоти ана шундай актив илмий кучларнинг кўмагида ўтган йили меҳнаткашлар учун турли билим соҳаларига оид 50 мингдан ортиқ лекция ташкил этди. Илмий билимлар пропагандасига жамиятнинг Юқори Чирчиқ, Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл район бўлимлари қўшаётган ҳисса анча салмоқли бўляпти.

Областда мунтазам ишлаб турган 79 та халқ университетининг илмий билимларни пропаганда қилишдаги хизматларини ҳам эътироф этиш лозим. Мазкур университетларнинг 20 таси иқтисодий билимларни, 14 таси педагогика билимларини, 8 таси қишлоқ хўжалик билимларини, 5 таси техника билимларини меҳнаткашлар онгига сингдирмоқда. Университетларда машғулот олиб боришга олимлардан ташқари, корхона, колхоз ва совхозларнинг малакали мутахассислари актив жалб қилинган.

Юқоридаги каби ижобий ишларнинг янада кўпайиши ва бойиши илмий билимлар пропагандасини замон талаблари даражасига кўтаришга ҳалақит бераётган айрим камчиликларни изчиллик билан бартараф этишга боғлиқдир.

Аввало, илмий билимлар пропагандаси жанговар, ҳужумкор руҳ билан суғорилган бўлиши керак. Маълумки, империализм идеологлари бизнинг мамлакатимизга, ҳаракатимиз компаси — марксизм-ленинизмга туҳматлар ёғдириш учун энг арзимас баҳоналардан ҳам фойдаланадилар. Демак, икки қарама-қарши идеология ўртасида муросасиз кураш кетаётган ҳозирги шароитда совет фани ва техникаси социалистик экономикамиз эришаётган ютуқларни ёрқин кўрсата билиш муҳим сиёсий аҳамиятга эга.

Социал-иқтисодий масалаларни тушунтираётганда тингловчиларда тўғриладиган жиддий, ҳаққоний саволларга жавоб беришдан бўйинтовламаслик керак. Бундай саволларга тўғридан-тўғри, ишончли ва асосли қилиб жавоб бериш зарур. Экономикамизни ривожлантиришдаги айрим камчиликлар ва қийинчиликларни айтиб бериш билан бирга, лекторлар, ана шу нуқсонларни бартараф этишнинг йўл ва методларини тушуниб олишда тингловчиларга ёрдам беришлари лозим. Меҳнаткашларнинг коммунизм ёрқин ғояларига ишончини мустаҳкамлаш, диний тушунчалар ва ўтмиш қарқитларини енгишга ёрдам бериш фан тарғиботчиларининг шарафли бурчидир.

Ҳозирги замон фанларининг энг янги ютуқлари ҳақида ишончли, ҳамма тушунадиган даражда ҳикоя қилиш учун кинофильм, диапозитив, ҳар хил модель, макет ва схемалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Лекин афсуски, табиий-илмий билимларни пропаганда қилишни осонлаштирадиган бундай кўргазмали воситалар областимизда етарли эмас.

Шуни ҳам очиқ эътироф этиш керакки, область аҳолисининг ҳаммаси ҳам илмий билимлар пропагандасидан бахраманд бўлаётгани йўқ. Район ва шаҳарларда ҳали олимлар қадами етмаган қишлоқлар, корхоналар йўқ эмас. Кенг тингловчилар оммасига мўлжалланган баъзи лекциялар сифатсиз тузилади, оғир тилда ёзилгани учун тингловчилар эътиборини қозона олмайди. Илмий билимлар пропагандисти танлаб олинган темани образли қилиб, кўпчиликка тушунарли тарзда баён этиш санъатини эгаллаб олиши даркор. Токи фаннинг энг қийин, мураккаб жабҳалари ҳам тингловчилар онгига етиб борсин, уларда жонли қизиқиш уйғота олсин. Шу билан бирга, илмий билимлар пропагандасида аҳоли турли табақаларининг маълумот даражаси ва қизиқишларини ҳисобга олишни ҳам эсдан чиқармаслик зарур.

Илмий пропаганда ишига фан ва техника проблемаларини чуқур ва қизиқарли қилиб тушунтириб беришга моҳир кишиларни жалб этиш партия ташкилотлари, «Билим» жамиятлари ва халқ университетлари раҳбарларининг муҳим вазифасидир.

Илмий билимлар пропагандаси миллионлаб меҳнаткашларнинг коммунизм қуришдаги активлигини оширишга, истиқболларни аниқ кўра билишга, техника прогресси ва ҳаётнинг ҳамма соҳасида янги, илғор нарсалар учун курашувчилар сафининг кўпайишига хизмат қилсин!

ҚИШЛОҚЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА

«Узгипросельстрой» қурувчилари водопровод трубалари ётқизиш ишларини қизитиб юборишди. Бу йил Юнусободдаги 300 хонадон, мактаб ва касалхона тўла водопроводлаштирилади.

«Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози маркази, Ватутин, Куйбишев, Сабзавот участкаларида яшовчи 500 хонадон уйи газлаштирилди. Бу ишлар учун колхоз правлениеси 80 минг сўм маблағ ажратди.

«Узгипрогазмонтаж» трестининг бир группа қурувчилари эса кўчаларга газ трубалари ётқизиш, колхозчиларнинг уйларига газ плиталари ва печларини монтаж қилиш ишлари билан машғул. Яқин орада Ленин ва Юнусобод участкасидаги 800 га яқин хонадон ҳам газлаштирилади.

Карл Маркс номли колхоз қурилиш бригадаси аъзолари Юнусободда нон магазини қуриб беришди. Шунингдек бу ерда гўшт билан савдо қилувчи дўкон ҳам аҳолига хизмат қилабошлади.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

БЎРДОҚИЧИЛАР БРИГАДАСИ

«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг бўрдоқичилик бригадаси «Қизил аскар» участкасида жойлашган. Бу ерда қорамоллар, қўйлар бўрдоқига боқилаётир.

Хўш, бўрдоқичилик бригадасида ишлар қандай уюштирилган? Бу саволга жавоб излаб колхознинг «Қизил аскар» участкасига бордик. Кенг молхоналар охўрлари ем-хашакка тўла. Молларни боқиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг кўп қисми механизмлар елкасига юклатилган. Молбоқарлар Абдиқаюм Ашуралиев, Журсун Колмирзаев, Ботирбек Киргизалиев ўртоқлар ДКУ агрегатларида дағал хашакни майдалашяпти, сўнгра махсус қозонларда буғлаб ёрмага аралаштириб молларга едиришяпти.

Молхоналарни бирма-бир кўздан кечирамиз. Бўрдоқичилик бригадаси бошлиғи Қунтуғон Ахаев бўрдоқига боқилаётган моллари кўрсатади. Бу ерда 76 бош қорамол, 160 бош қўй семиртириляпти. Колхоз давлатга гўшт топшириш ярим йиллик планини КПСС XXIII съезди очиладиган кунга қадар бажармоқчи. Ҳа, ўша кунга қадар 260 центнер гўшт меҳнаткашлар дастурхонига тортиқ қилинади.

Бригада бошлиғи ўрток Ахаев озуқа рационни ҳақида гапиради. Ҳар бир қорамолга бир кеча-ю кундузда 6,8 килограмм қуруқ беда, 12 килограмм силос, 4,6 килограмм широт, 7,2 килограмм шелуха ва кунжара бериларкан.

— Бахор келиши билан иккинчи ярим йил ҳисобига қорамол боқа бошлаймиз, — дейди ўрток Ахаев. — Мақсадимиз гўшт топшириш йиллик планини октябрь байрами кунларигача бажариш!

Янгийўл районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг бўрдоқичилик бригадасида ишлар ана шундай намунали уюштирилган.

С. ҚОДИРОВ.

Ота эл кафтида

ЯХШИОВУЛ қишлоғи бугун табассум билан уйғонди. Эрталабданоқ қишлоқ марказида карнай-сурнай садолари шўх янграй бошлади. Бу ерга нуроний отахонлар, онахонлар, йигит-қизлар, пионерлар йиғилишган. Ҳаммаларнинг чеҳрасида табассум.

Бугун байрам эмас, шўх, Етмиш баҳорни кўрган кекса пахтакор Юсуф ота Юнусовнинг юбилей тўйи! Бу ерга йиғилган ёшу-қари колхозчилар шу тўйга меҳмон бўлиб келишган. Клуб олдидаги кенг майдонда катта давра қурган мўйсафидлар ўз тенгқурлари Юсуф отани чин кўнгилларидан табриклашар, ҳазил-ҳузул гаплар айтиб, қотиб-қотиб кулишарди...

Клубга одамлар йиғила бошлади. Эшикдан кираётган ҳар бир киши деворга осиб қўйилган газетага беихтиёр тикилиб қоладиган. Юсуф отанинг юбилейига бағишлаб бугун колхоз деворий газетасининг махсус сони чиқарилган.

Катта залдаги қизил алвонга мана бу сўзлар битилган: «Юбилярнинг босиб ўтган йўли коммунизм қурувчи ёшларга ўрнак бўлсин!». Ҳа, Юсуф ота босиб ўтган ҳаёт йўлидан ибрат олса арзийди.

ЎТМИШДА қирчиллама йигитлик даври бойваччаларнинг эшигида ўтган, яримта нони бутун, битта кўйлаги иккита бўлмаган бу одамнинг елкасига инқилобдан кейин офтоб тегди. Юсуф ўзининг ҳамқишлоқ тенгқурлари билан энди астойдил ишга киришиб кетди. Бошқа батраклар қатори турмуши йил сайин камол топа бошлади. Ўттизинчи йилларнинг бошида бир қанча якка хўжалик бирлашиб, колхоз тузишди. Юсуф колхозда кетмончи бўлиб ишлай бошлади. Зуваласи меҳнатда пишиган бу йигит тез орада кўпчиликка танилабошлади. Яхши деҳқон бўлганлиги, ишнинг кўзини билганлиги учун уни звенога, кейинчалик эса бригадага бошлиқ қилиб кўтаришди.

Минг тўққиз юз ўттиз тўртинчи йилда деҳқонлар уни колхозга раис қилиб сайлашди. Юсуф ака хўжаликка ўн саккиз йил раҳбарлик қилди. Шу йиллар давомида колхоз жуда тараққий топди.

Орадан анча йиллар ўтди. Юсуф ота қартайиб қолди. Колхозчилар уни зўр иззат-эҳтиром билан пенсияга узатдилар. Лекин танглайи пахта билан кўтарилган отахон ён-атрофидаги одамлар «оқ олтин» етиштириш учун жон қуйдириб меҳнат қилишаётган бир пайтда бу катта курашдан четда тўришни ўзига эп билмади. Ун-ўнбеш чоғли тенгқурларини йиғиб маслаҳатлашди-да, колхоз правлениесига келди.

— Бекорчилик жонга тегди, қизим, — деди у раиса Умринисо Ҳасановага, — мен чоллар билан маслаҳатлашдим, ҳаммаси бажонидил рози бўлди. Сендан илтимос, қизим, бизларга пича ер ажратиб берсанг. Лекин шарти шуки, жуда пачақ ер бўлсин. Биз бир ўзимизнинг кучимизни кўрсатайликчи...

Мана, уч йилдирки, Юсуф ота Ўрта Чирчиқдаги В. Терешкова номли колхозда қариялардан ташкил топган пахтачилик звеносига бошчилик қилиб келяпти. Шуниси қизиқки, звено аъзоларининг энг «навқирон»и олтмиш ёшда! Шулар камҳосилли ерни унумдор қилиб, қисқа вақт ичида бошқаларидан ҳам мўл ҳосил етиштирадиган бўлишди. Бултур гектар бошига пландаги 20 центнер ўрнига 25 центнердан ошириб хирмон кўтаришди. Бу йилги мўлжаллари — 30 центнер!..

БУГУНГИ шодиёнанинг боиси ана шунда эди. Юсуф отани бугун эл ўз кафтига олиб эъзозлаяпти...

Клубда юбилей тантаналари бошланиб кетди. Колхоз бош мироби Ғулом ота Қулмуҳамедов биринчи бўлиб минбарга кўтарилди.

— Юсуф ака, Сизни қутлуғ етмиш ёшингиз билан чин юракдан табриклайман! — деди у тўлқинланиб, — Сиз билан ҳаммамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Ғулом ота Юсуф отани қучоқлаб, ўпиб табриклади, кейин беқасам тўн кийгизиб, белига шойи белбоғ боғлаб қўйди. Шунда бутун зал бўйлаб гулдурос қарсаклар янграб кетди, «муборак бўлсин!» деган овозлар эшитилди.

Шу пайт залга қишлоқ мактабининг бир неча пионерлари горн ва барабан чалиб, Қизил байроқ кўтариб кириб келишди. Ўқувчиларнинг бири олиб, бири қўйиб Юсуф отага бағишланган шеърларни ўқийбошлаганда залда қарсакларга қарсаклар уланиб кетди. Кейин бир пионер қиз Саша Чикалин номли дружина Советининг қарорини ўқиб эшиттирди. Қарорда Юсуф ота Юнусов фахрий пионерликка қабул этилганлиги маълум қилинган эди. Бир пионер бола отахоннинг бўйнига қизил галстук боғлаб қўйди.

Шундан кейин Юсуф отанинг ҳамқишлоқлари, қўшни колхозсовхозлардан келган меҳмонлар бирин-кетин минбарга чиқиб, табрик сўзларини айтдилар, бақатам тўнлар ва чуст дўппилар кийгиздилар. 10-синф ўқувчиси Зумрад Содикова Юсуф отанинг етмиш йиллик тўйига бағишлаб ёзган шеърини ўқиб берди.

Район даволаш санитария бирлашмасининг бош врачи Ориф-жон Маъдиев сўзга чиқиб, Юсуф отанинг элга қилаётган яна бир хизматини айтди. Жонкуяр отанинг Қизил ярим ой жамиятининг активисти ҳам эканлигини, эл-юрт соғлиғини сақлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётганлигини маълум қилди. Кейин отахоннинг кўкрагига «Санитария муҳофазаси аълочиси» значогини такиб қўйди.

МИНБАРГА юбиляр Юсуф ота кўтарилганида залда бир неча дақиқагача қарсак тинмади. Отахон ўзини шунчалик ҳурмат қилиб бу ерга келишгани, табрик сўзлари айтишгани учун залга йиғилганларга мингдан-минг ташаккурини изҳор қилди. Шу тўлқинлантирувчи дамларда унинг нуроний кўзларига севинч ёшлари келди. Оддий бир колхозчи деҳқоннинг қадр-қиммати шунчалар юксаклиққа кўтарилаётганлиги боисидан унинг диллари қувончга тўлиб гапирди.

Юсуф отанинг юбилейида область партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоқов, район партия, совет ва қишлоқ хўжалиги органларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Тўй тантаналари ярим тунгача давом этди...

Етмишинчи баҳорингиз қутлуғ бўлсин, Юсуф ота! Бугун сизнинг қувончингизга ҳамма шерик, эл сизни ўз кафтида кўтармоқда!

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.



Суратда: кекса колхозчилардан Чоршанбой ота Мамадалиев (чапда), колхоз комсомол ташкилотининг секретари, механизатор Муқаддас Мунаввароа, Ҳусан ота Сандалиев ва Солижон ота Алиев ўртоқлар Юсуф отани (чапдан иккинчи) етмишинчи баҳор билан табрикламоқдалар.

А. Абалян фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ВА ЭКОНОМИКА

Корхонамиз экономикаси йил сайин ривожланиб бормоқда. Планнинг барча кўрсаткичлари бўйича юзимиз ёруғ. Ўтган йилги ютуқларимиз, айниқса, самарали бўлди. Йиллик план топшириқлари 24 декабрдаёқ адо этилди. Декабрь ойининг охиригача планга қўшимча равишда 34 дона прицеп ва яна қанчадан-қанча автомобиль запас қисмлари, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди.

Маҳсулот сифатини яхшилаб, унинг таннархини арзонлаштириш, металл ва бошқа материалларни тежаб-тергаб сарфлаш натижасида кўплаб фойда олмоқдамиз. Шу туфайли ҳам республикамиздаги корхоналар ўртасида олдинги сафда бормоқдамиз.

Бу ютуқларимизнинг боиси нимада? Аввало кишиларимизнинг меҳнатга онгли муносабатда бўлаётганлигида. Бизда ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим ўз жонажон корхонаси шон-шуҳратини ошириш, завод марказини қадрлаш иштиёқи билан меҳнат қилади.

Коллективимизда бу каби олижаноб туйғуларни, хислатларни тарбиялаб, эъзозлаётган асосий маънавий куч партия ташкилоти ва унинг сафида турган 312 коммунистдир.

Коммунистларимизнинг асосий кўпчилиги бевосита моддий бойлик яратиш билан банд. 15 коммунист цехнинг 8 коммунист сменаларни бошқармоқда. Мастерларимиздан 34 киши партия аъзосидир. Коммунистларимиз қайси лавозимда, қайси касбда ишлаётган бўлишмасин, ўрнак бўладилар ва бошқаларни ҳам ўзлари сингари ишлашга ундайдилар, ана шу мақсадда тарбиявий ишлар ҳам олиб борадилар.

Завод коммунистлари кейинги вақтларда экономика масалалари билан жиддий ва муттасил шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Бу нарса, айниқса, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумидан кейин авж олиб кетди.

Тўғри илгарилари ҳам заводимизда иқтисодий анализ бюроси, жамоатчи конструкторлик бюролари мавжуд эди. Бироқ, кўп вақт бу ташкилотлар тор доирада иш олиб борарди. Цех ва участкаларда сентябрь Пленуми қарорлари ишланиб чиққач, цех партия ташкилотлари, коммунистлар бу ишга янада кўпроқ эътибор берабошладилар.

Коммунист Нина Вяликова заводда экономист. У биринчи цех иқтисодий анализ бюросига раҳбарлик қилади. Мен ана шу ишчан коммунист фаолиятидан кичик бир мисол келтирмоқчиман. Биринчи цехда иш ҳақининг ортиқча сарфланаётганлиги, бунинг устига ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати пасайиб кетганлиги маълум бўлиб қолди. Нина Вяликова қўлига қоғоз-қалам олиб аҳволни синчиклаб ўрганди ва у брак маҳсулот учун ҳам кўплаб маблағ сарфланаётганлиги, бу эса, таннархга таъсир этаётганлигини аниқлади. Цехда меҳнат интизоми бўшашиб кетганлиги учун ана шундай аҳвол рўй бераётган эди. Экономист цех партия ташкилоти ва бошлиқларига тегишли йўл-йўриқларни тавсия этди. Қисқа вақт ичида цех қолоқликдан чиқди.

Иқтисодий анализ бюроси 7-цехда станоклар бекор туриб қолаётганлиги, бунинг натижасида кўплаб иш соатидан фойдаланилмай ётганлиги сабабларини ўрганишни коммунист Андрей Злобинга топширди. Ўрток Злобин цехда қатор камчиликларни аниқлаб бюрога ёзма ахборот бериб, дублёр станоклар йўқлиги, запас қисмлар етишмаслиги, гальваник цехи ишчиларининг ёмон ишлаётганлигини маълум қилди. Шунингдек, бу қийин аҳволдан чиқиш йўллари кўрсатилди. Бу масала бюро йиғилишида муҳокама қилиниб, камчиликларни тузатиш тадбирлари белгиланди. Цех партия ташкилотининг аралашуви билан цехга қўшимча станок берилди. Гальваник цехида ишлаётган кишиларга ишбай асосида ҳақ тўлашга кўчилди. Натижада цех фойда бериб ишлайдиган бўлиб қолди. Н. Хайриддинов, В. Сотников, И. Прокопенко, А. Злобин — булар заводнинг жонкуяр рационализаторлари. Заводда 52 коммунист рационализаторлар сафидан ўрин олган.

Завод экономикасини юксалтиришга коммунист Н. Вяликова бошлиқ иқтисодий анализ бюроси аъзолари катта ҳисса қўшишяпти. Бюро ташкил топганда фақат битта группа иш олиб борарди. Ҳозир эса 7 та цехда иқтисодий анализ бюросининг группалари бор. Коммунистлардан 25 киши бюро ишларида фаол қатнашмоқда.

Партия комитети ўз йиғилишларида экономика масалаларини тез-тез муҳокама қилиб туради. Ўтган йилнинг 12 августидаги комитет йиғилишида хомашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш масаласи муҳокама этилди. 25 ноябрдаги йиғилишда эса электр энергияси ёқилги ва бўғни тежаш масаласи кўрилди. Комитет йиғилишининг қарори дарҳол коммунистларга хабар қилиниб, цехлар бўйича тегишли тадбирлар белгилаб чиқилди.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорлари заводимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Қарорлар ишчилар ўртасида пухта ўрганилди. Хато ва камчиликларимизга янада синчковлик билан қарайдиган бўлиб қолдик.

Пленумда планлаштириш, меҳнатни ташкил қилиш, кишиларимизни моддий рағбатлантириш ишида катта камчиликлар борлиги рўй-рост кўрсатиб берилди.

Ана шу ажойиб қарорлар асосида корхонамизда планлаштиришнинг янги системасига ўтиш тараддудларини кўрмоқдамиз. Бу тадбирни амалга оширишда ҳам партия комитети корхона маъмуриятига яқиндан ёрдам беряпти. Кўп сонли агитаторларимиз, пропагандистларимиз партиянинг саноатни янада ривожлантириш соҳасидаги сиёсатини ишчиларга тушунтиришмоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг халқ моддий фаровонлигини ошириш йўлидаги курашини кенг пропаганда қилишяпти.

Корхонамиз янги беш йилликка қадам қўйди. Режаларимиз жуда улкан. Биз шу йилнинг ўзида кишлоқ меҳнаткашларига 30 минг прицеп ва 4 дона автопоезд етказиб беришимиз керак. Ҳозирги кунда ишчиларимиз, инженер-техник ходимларимиз коммунистлар етакчилигида катта тарихий воқеа — партиямиз XXIII съездига зўр тайёгарлик кўрмоқдалар. Съездни муносиб кутиб олмоқ учун бошланган социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Коммунистлар эса, мусобақа байроқдори бўлиб, олдинда бормоқдалар. Съезд очиладиган кунга ва квартал планини ҳамма кўрсаткичлар бўйича юз фоиз бажариш — муқаддас бурчимиз.

Н. БАЛАШОВ,
«Ташавтомаш» заводи партия комитетининг секретари.

ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Дон экинлари уруғини экишдан олдин ишлаш учун яратилган янги установкада ҳар квадрат метр сатҳ ҳисобига интенсивлиги икки минг ваттга тенг келадиган товуш тебранишлари ҳосил бўлади. Бу установка конструкциясини Грузия қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институтининг ходимлари яратган. Установка ярим соат ичида 6 килограмм уруғликни ишлаб беради. Уруғларни экишдан олдин товуш билан стимуляциялаш бошоқли экинлар ҳосилдорлигини оширади.

Янги установкаларни кутаисидаги кичик габаритли тракторлар заводи ишлаб чиқара бошлайди.

* * *

Санитария техникаси илмий тадқиқот институтида иш унуми соатига 4,5 ва 7,2 кубометрга тенг бўлган «ВУ-4, 5-170» ва «ВУ-7-115» маркали сув чиқариш установкалари вужудга келтирилди. Улар уй-жойлар ва коммунал уйларни, чорвачилик фермаларини ва электрлаштирилган қишлоқ районларидаги кичик қишлоқ хўжалик корхоналарини сув билан таъминлаш учун мўлжалланган.

Установкаларнинг конструкцияси оддий ва ихчам бўлгани учун уларни кўп маблағ сарфламай, қудуқлар ичига ёки хизмат кўрсатиладиган бинолар ичига ўрнатиш мумкин. Сув ичига чўкур ботиб турадиган электрон насосдан, токи таҳсимловчи крангача — сувнинг оқиб ўтадиган бутун йўли автомат равишда нузатиб турилади. Бу усулда бир кубометр сув чиқариш таннархи одатдаги усулдагига нисбатан 1,5—2 баравар арзонга тушади. Бундай сув кўтаргич установкаларнинг нусхалари «Кургансельмаш» заводида тайёрланди ва ишлаб чиқариш синовидан муваффақиятли ўтди. Ҳозирги вақтда янги автомат водокачкаларни саноатда ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

* * *

Арманистон олимлари нам ва қайноқ ҳолатдаги сочилувчи материалларни пневматик усулда транспартировка қилиш методини яратиш каби мураккаб техник вазифани сув буғи ёрдамида ҳал қилишга муваффақ бўлдилар. Бу операция одатда лентали транспортерлар ёрдамида бажарилар эди. Қам ва қайноқ ҳолатдаги сочилувчи материалларни газ ёрдамида ёпиқ қувурлар орқали транспортировка қилиш йўлидаги уринишлар шу чоққача муваффақиятли чиқмаган эди.

Арманистон фанлар академияси органик химия институтининг ходимлари қувурлар устига сув билан ишланган турадиган гилофлар қийдиришни таклиф қилдилар. Янги усул мамлакатдаги энг йирик «АПАТИК» комбинатида муваффақиятли равишда синаб кўрилди. Сочилувчи материалларни янги усулда транспортировка қилиш учун одатдагидан икки-уч марта кам ишчи кучи талаб қилинади. Корхонанинг жами маҳсулотини шу усул билан батамом ташиш учун диаметри 300 миллиметр бўлган бир қувур ва минутига 30 кубометр ҳавони ҳайдаб берадиган вакуум насос кифоя қилади.

* * *

Мамлакатда энг енгил уй-рўзғор холодильники «Снайге» — «Снежинка» яна икки баравар енгил бўлиб қолади. Янги аппаратларнинг дастлабки нусхаларини литвадаги алитус заводи ишлаб чиқаради. Холодильник корпусини тайёрлаш учун ёғоч ўрнига стеклопластик ишлатилган. Термоизолятор вазифасини пенопол истирол ўтайди.

Беш йилликнинг биринчи йилида аввалги намунадаги 30 минг та холодильник билан бир қаторда «Снежинка» марали минг дона янги холодильник ҳам ишлаб чиқарилади. (ТАСС).

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ МАКТАБИ

Ҳар пайшанба куни Тошкент тепловоз вагон ремонт заводи техника кабинетига цех, участка раҳбарлари, инженер-техник ходимлар йиғилишади. Улар бу ерда ўз иқтисодий билимларини оширишмоқда.

Корхона инженер-техник ходимлари учун бундай мактаб биринчи марта ташкил этилди. У хўжаликни бошқаришдаги ҳозирги талаб, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари асосида нима ишлар қилиш лозимлиги ҳақида раҳбар ходимларга йўлланма беради. Мактабда машғулотларни корхона бош инженери Ю. Зайцев, экономист Е. Фатеева, план бўлими ходими М. Лазарев ўртоқлар олиб боришмоқда. Ўқув планига хўжалик ҳисоби, маҳсулот сифатини яхшилаш йўллари, план кўрсаткичлари ва уларни янги даврга мослаш каби бир қатор темалар ҳам киритилган.

В. МОИСЕЕВ.

ЯНГИ КУТУБХОНА

Янгийўлдаги айланма йўл массиви тобора гўзаллашиб бораяпти. Ўтган йили бу ерда ўндан ортиқ қўпқаватли турар-жой бинолари, озиқ-овқат магазинлари, дорихона қурилиб фойдаланишга туширилган эди. Яқинда эса шаҳарликлар яна бир совға олишди. Янги очилган кутубхонага 250 дан ортиқ киши аъзо бўлди.

М. НОИПОВ.

«ЮЛДУЗ» тикувчилик фирмасининг цехларида ҳозир нўлгина операциялар механизмлар воситаси билан бажарилмоқда. Бичув цехида ҳам шу кунларда иккита электрон ҳисоблаш машинаси ишлаб турибди. Бу машиналар хомашёдан рационал фойдаланишда бичиқчиларга натта ёрдам бермоқда. Ўнгдаги суратда: бичув цехининг илғор ишчиси Махсума Валиева. У смена топшириқларини ортиғи билан адо этмоқда.

РАШИДА Раҳимова Ўзбекистон трактор-йиғув заводининг ёш ишчиларидан. У меҳнат қилаётган коллектив ҳозирги кунда КПСС XXIII съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақани қизитиб ажойиб муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Корхонанинг илғор ишчиси Рашида смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этиб келаяпти. Чапдаги суратда: ўртоқ Р. Раҳимова ўз станоги ёнида.

А. Тўраев ва А. Палехов фотолари.

СИФАТ УЧУН КУРАШ

Социалистик Чирчиқ йил сайин куч-қувватга тўлиб бормоқда. Шаҳарда янги турар-жой массивлари, боғча ва мактаблар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, маҳсулоти жаҳонга манзур бўлаётган цехлар пайдо бўлмоқда. Қурилиш қўлами чиндан ҳам йил сайин кенг қулоч ёйиб бораяпти. Бу қурилишларни бинокорлик материаллари билан таъминлаш асосан бизнинг комбинат коллективи зиммасига тушмоқда. Бу масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этиш бўйича барча имкониятларни ишга солмоқдамиз.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, коллективимиз бир қатор муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Корхонамизда етти йилликнинг сўнгги йили муваффақиятли якунланди. Ўтган йили қурилишларга 106 минг кубометрдан кўпроқ йиғма темир-бетон конструкциялари жўнатилди. Бу етти йилликнинг дастлабки йилида тайёрланган маҳсулотга нисбатан деярли олти марта кўпдир. Цехларимиз асосан кўприк тўсинлари, юқори вольтли электр линиялари учун махсус таянчлар, керамзит бетондан тайёрланган панеллар, ёпилғи плиталар, АСП сериясидаги уйсозлик элементлари ва бошқа хил керамзит ҳамда норуда материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Биз ўтган йиллардаги фаолиятимизга бир назар ташласак, илгарилари кўпгина буюмлар бракка чиқиб кетганлигини кўрамиз. 1963 йилда комбинат 58900 кубометр йиғма темир-бетон тайёрлаган бўлса, шунинг 1,7 проценти брак бўлган. Ўтган йилнинг ўн ойи мобайнида 97 минг кубометр йиғма темир-бетон тайёрланган бўлса, шунинг 1,4 проценти бракка чиқарилди, холос. Яъни бошқача қилиб айтганда йўл қўйилаётган брак маҳсулот ҳажми 20 процентга камайди.

Коллективимиз материаллар сифатли бўлса уй-жойлар ҳам сифатли чиқишини яхши билади. Шунинг учун ҳам биз асосий эътиборни кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратмоқдамиз. Корхонамизда буюмлар сифати анчагина яхшиланган бўлишига қарамай 160-қурилиш трести бинокорлари айрим конструкциялар сифатининг ёмонлиги ҳақида эътирозлар тушяпти. Баъзи ҳолларда қўйилаётган панеллар қурилиш майдонига етмай йўлда дарз кетмоқда. Уларнинг геометрик ҳажми ҳам стандарт даражасида чиқмай қолади. Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида ўтган йили бир группа ишчиларимиз ва инженер-техник ходимларимиз Ленинград, Вильнюс, Москва каби йирик шаҳарлар бинокорлик материаллари заводларида бўлишди. У ердан биз илғор тажрибаларни ўрганиб қайтдик ва бу янгиликларни ўзимизда жорий этишга киришдик. Москвадаги «Индусстройпроект» институти инженерлари тавсияси билан энди кассеталар листи газ алангаси билан тўғриланяпти. Натижада нотекис панеллар ишлаб чиқаришга барҳам берилди. «Узгоспроект» институти АСП уйлар сериясини лойиҳалашда йўл қўйган конструктив хатоликлар натижасида кўпгина бракларга сабаб бўлган эди. Комбинат бош технолог бўлими ходимлари бу камчиликларни аниқлаб бракка барҳам бердилар.

Илгарилари уйларнинг ён девор панелларини тайёрлашда ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйиларди. Бош инженер ўринбосари Ф. Иосс панелларга термик ишлов бериш методини таклиф этди. Бу ҳозир ўзининг катта самарасини бермоқда.

Вертикал кассеталарни тозалаш ва мойлаб, туриш айниқса кўп меҳнат талаб қилувчи ва масъулиятли операция ҳисобланади. Қўлда тозаланган ва мойланган кассеталарга бетон қоришмаси қуйилгач кўпинча панель юзи силлиқ чиқмас, оралари ғовак бўлиб қоларди. Ф. Иосс ва лаборатория бошлиғи Ю. Маслова ўртоқлар қолипларни мойлаш ишини механик усул билан бажариш йўлини топишди. Бу усул қўлланилганда барча листлар бўйлаб қоришмалар тўғри жойланади. Бундан ташқари қўл меҳнати енгиллашди. Маҳсулот сифати анча яхшиланди. Слесарь И. Васильев эса горизонталь кассеталарни мойлаш учун махсус мослама ихтиро этди. Бу усул шу кунларда барча цехларда қўлланилаяпти.

Бундай қатор тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида панелларнинг брак бўлиши кескин камайди. Маҳсулот сифати ошди. 1963—1964 йиллар давомида тўрт процент маҳсулотимиз бракка чиқиб кетган бўлса, ўтган йили бу рақам 1,4 процентга туширилди.

Ҳозирги пайтда таянчлар сифатини яхшилаш борасида ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилаяпти. Ленинград, Волгоград, ва Новосибирск заводлари тажрибаси асосида таянчлар ишлаб чиқаришда янги технология қўлланилмоқда.

Коллективимиз бундан буён ҳам маҳсулот сифатини яхшилаш, бинокорларга соз ва пухта конструкциялар етказиб бериш учун курашадилар.

Р. АҲМЕДОВ,
Чирчиқдаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг бош инженери.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СЕНТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

ТАҚРИЗ

Ўтган асрда Ўрта Осиёнинг Туркистон қисмида уч феодал давлат — Қўқон, Бухоро ва Хива хонликлари мавжуд эди. Бу хонликларда кейинги юз йил давомида ишлаб чиқариш кучлари деярли ривожланмади, иқтисодий тўғрунлик, қишлоқ хўжалигининг қолоқлиги ҳукм сурди. Бундан юз йил муқаддам Оқ подшо Туркистонга ҳарбий юриш қилди. Кенг территориялар аста-секин Россияга қўшиб олина бошлади. 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Унинг таркибига тутатилган Қўқон хонлиги ва Закаспий области киритилди. Бухоро амири ва Хива хони эса чор Россиясига вассал — қарам эканликларини тан олдилар.

Туркистон ўлкаси рус саноатининг пахта хомашёси базасига айлантирилди. Закаспий ва Тошкент темир йўллари қурилабошлади. Бу темир йўллар феодализм ҳукмрон бўлган Ўрта Осиёнинг турли қисмларини қитисодий жиҳатдан юксалтиришга имкон бера бошлади. Россиянинг марказий районлари ва Кавказ билан савдо алоқаларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берди. Бу савдо алоқалари ўз навбатида ўлкада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, биринчи навбатда рус тўқимачилик саноатига керак бўлган пахта етиштиришни ривожлантирди. Янги ерлар ўзлаштирилиб, сув чиқарилди, ирригация иншоотлари қурилди, қаҳроқ чўлларда янги воҳалар бунёд этилди.

Шу мақсадда Туркистонга Россиядан ҳар йили рус олимлари, инженерлари, агрономлари, ирригаторлари, тупроқшуносларни, экономистлари ва бошқа мутахассислари келиб-кетадиган бўлди. Улар катта илмий-текшириш ишларини, шунингдек суғориш системаларини қурилишини бошлаб юборишдилар. Рус мутахассислари бу ишларни Улуғ Октябрь социалистик революциясигача давом эттирдилар. Бундай ишлар Совет даврида, дастлабки беш йилликларда янги куч билан авж олиб кетди.

Ўрта Осиё республикаларида урушдан кейинги даврда ва ҳозирги вақтда ирригация қурилиши ҳамда пахтачиликни ривожлантириш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларда фақат рус олимлари ва мутахассисларигина эмас, балки мамлакатимизнинг турли ўқув юртларида махсус таълим олган маҳаллий инженер-техник, агротехник кадрлар ҳам актив иштирок этмоқдалар.

Тошкентлик олим, иқтисод фанлари кандидати А. Мамедовнинг «Рус олимлари ва Ўрта Осиёда ирригациянинг ривожланиши» деган китобида ана шулар ҳақида батафсил ҳикоя қилинган. Ўртоқ А. Мамедовнинг иши кишида катта қизиқиш туғдиради. Чунки асар қарийб юз йиллик даврни ўз ичига олган.

Китоб муаллифи турли манбалардан — давлат архивларидан, лойиҳа материалларидан, турли ташкилотлар ва ведомстволарнинг, Ўрта Осиё тадқиқотчилари ҳамда рус олимларининг тўпламларида босилиб чиққан ҳисобот маълумотларидан, Туркистонда ишлаган рус мутахассисларининг шахсий архивларидан жуда кўп нарсаларни ўрганган.

А. Мамедовнинг китобида фақат Ўрта Осиёда ирригациянинг ривожланиши тўғрисидагина эмас, балки суғориладиган деҳқончилик, пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари тўғрисида ҳам фикр юритилган. Бу тармоқларнинг ривожланишига рус олимлари селекционерлари ва агрономлари ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар.

Асар муаллифи системага солинган ва бир бутун қилиб йиғилган ҳужжатлар асосида Ўрта Осиё халқларининг равнақ топишлари, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши учун жуда кўп меҳнати сингган рус фани айрим вакилларининг буюк роли ни рўй-рост кўрсатиб берган. Масалан, Ўрта Осиёнинг барча қишлоқ хўжалиги ходимларига, айниқса ўзбекистонликларга агрономлардан Р. Р. Шредер, М. М. Бушуев, Е. Л. Навроцкий, Г. С. Зайцев, А. Я. Мухинларнинг номи яхши таниш. Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти Р. Р. Шредер номига қўйилган. М. М. Бушуев Туркистон республикасининг биринчи деҳқончилик Халқ Комиссари бўлган. Мирзачўлда бир неча йил ишлаган, қорамолларнинг машҳур «Бушуев» зотини яратган.

Ўрта Осиё республикаларининг сув хўжалиги ходимлари А. Мамедовнинг китобидан Ўрта Осиё территориясида революциягача бўлган даврда ва Совет даврида суғориш ишлари қандай ривожланганлиги, шунингдек рус техника интеллигенциясининг энг яхши вакиллари фаолияти билан танишадилар. Бу вакиллар орасида XX аср бошларидаги олимлардан, инженерлардан Г. К. Ризенкампф (Мирзачўлни суғоришнинг комплекс лойиҳаси автори), Ф. П. Моргуненков) Чирчиқ — Оҳангарон ҳавзасида, Хоразмда, шарқий ва жануби-шарқий Туркманистон ерларини суғориш лойиҳаларининг автори), И. Г. Александров (жануби-шарқий Фарғона ерларини суғориш лойиҳасининг автори), В. А. Васильев (Чу воҳасини суғориш лойиҳасининг автори) ва бошқалар алоҳида ажралиб туради.

Машҳур рус олимлари Туркистонда ишлаб, катта тажриба орттирганликлари, лойиҳалашда, қурилишда, тадқиқ қилишда қимматли ишларни амалга оширганликлари, бизнинг авлодимизга ўз гояларини, лойиҳаларини ва бой материалларини қолдирганликлари, булар ҳозирги кунимизда ҳам ўзининг илмий қимматини йўқотмаётганлиги тўғрисида асарда бир қанча мисоллар орқали ҳикоя қилиб берилади.

Китобнинг яна бир хусусияти шундаки, автор 30-йилларда маҳаллий миллат вакилларидан олимлар ва мутахассисларнинг катта отрядини етиштирган рус олимлари ва мутахассисларининг қимматли ишларига одилона баҳо беради.

Лекин, А. Мамедовнинг иши баъзи бир камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Китобда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши қуруқ таърифлаб ўтилади, юксалишнинг асосий кўрсаткичлари келтирилмайди, алоҳида-алоҳида республикалар бўйича ва бутун Ўрта Осиё бўйича қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги қандай ошганлиги мисоллар билан айтиб берилмайди. Натижада китобхонда Совет ҳокимияти йилларида революцияга қадар бўлган даврга нисбатан суғориладиган деҳқончиликда қандай катта муваффақиятлар қўлга киритилганлиги тўғрисида яққол тасаввур қолмайди.

Китобда сув хўжалиги қурилишлари, эксплуатацион ирригация ва ҳар бир республиканинг бу соҳадаги машҳур кишилари тўғрисида кам гапириб ўтилади.

Пировардида шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, «Ўзбекистон» нашриёти А. Мамедовнинг «Рус олимлари ва Ўрта Осиёда ирригациянинг ривожланиши» деган китобини жуда кам нусхада (3 минг нусха) чиқарган. Бу кўпчилик мутахассислар ва китобхонларнинг Ўзбекистондагина эмас, Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида ҳам ёз китобни сотиб олишига имкон бермайди.

С. БАТУРИН,
Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган ирригатор.

ЯХШИ ХИЗМАТ ҚИЛИНГ

14-ҳаммомга тушганмисиз? Мабодо йўлингиз тушиб, шу ҳаммомга кириши истасангиз, эҳтиёт бўлинг: шамоллаб чиқишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки...

Чунки бу ҳаммом ҳамиша бирдек иссиқ турмайди. Бунинг устига, жўмраклардан қай бирини бураманг, «ғиз» этиб, бетингизга муздек сув пуркайди. Гир айланган супачаларнинг ҳар жой—ҳар жойида цементлари кўчиб, ғадир-будир бўлиб қолган. Тоғорадарнинг баъзилари сув турмайдиган бўлиб ташлган.

Хуллас, амал-тақал қилиб ювинингизу, тезгина кийиниш залига чиқдингиз, дейлик. Маш-машанинг каттасига дуч келасиз: қизиб турган баданингиз бир зумда совуқ қотади. Бунинг устига навбатчи ходимлар кошки кабина эшигини тезроқ очиб беришаолса, сиз совуқ қотиб тураверасиз-у, улар бамайлихотир юришаверади. Навбатчи ходимларнинг қўнимсизлигидан бўлса керак, кийиниш залі тез-тез тозаланиб турмаслиги кўриниб турибди.

3-сонли ҳаммом ва кир ювиш комбинатининг раҳбарлари планни кўпроқ «нишон»га олишса керак чоғи, 53 ўринли бўлишига қарамай, ҳаммомга ортиқча одам қўйиладеради. Мактаб ўқувчилари тўпланиб келиб қолгудай бўлса, тўрт-бештасининг кийимини аралаш-қуралаш қилиб «номерсиз» кабиналарга жойлаштиришади.

Хўш, 14-ҳаммом маъмурияти бу билан аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни ўрнига қўяяпмиз, деб айта оларимикин? Албатта, йўқ!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш жуда катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаб, қарор қабул қилдилар. Бу қарорга амал қилиш 14-ҳаммом маъмуриятига ҳам тегишлидир, деб ўйлаймиз.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

АЁЛЛАР УЧУН

Тошкентдаги 2-тикув фабрикаси чеварлари «Камай» ва «Тошгул» жунли газмоллардан аёллар учун ажойиб кўйлаклар тикиб чиқаришга киришдилар. Ҳозирги кунда корхона цехларида бундан ташқари ёзги мавсум учун мўлжалланган шойи буюмлар ҳам тикиб чиқарилаяпти. Миллий фасонда тикилган кўйлакларни чет элларга юбориш мўлжалланаяпти.

Ун йиллик танаффусдан сўнг фабрикада крепдешиндан замонавий модаларда аёллар кўйлаклари тиккиш яна йўлга қўйилди. Бундай кийимларнинг таннархи анча арзонлашган.

И. ЮРЬЕВ.

Муса ЖАЛИЛ

МАНГУ БАРҲАЁТ

МУСА ЖАЛИЛ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, татар халқининг улкан шоири Муса Жалил барҳаёт бўлганда 60 ёшга тўларди. Лекин у, бундан 22 йил бурун, 1944 йилнинг 25 августида фашистлар Германиясининг Маобит турмасида гитлерчи жаллодлар қўлида ҳалок бўлди.

Фашист жаллодлар чинакам ватанпарвар ва жанговар шоирнинг табаррук номини, унинг қўшиқларини турма чордеворлари зулматида йўқотиб юбормоқчи бўлдилар. Аммо шоирнинг қўшиқларини дўстлари авайлаб, мингбир хавфдан омон сақлаб, туғилиб ўсган диёрига келтиришди.

Шоир қурбон бўлди. Лекин унинг тирик қўшиқлари миллионмиллион кишиларнинг меҳр-муҳаббатини қозонди, улар қалбига жо бўлди.

Муса Жалил фашист қузғунлари исканжасига тушганлигини ва бу қонли панжадан чиқиб кета олмаслигини биларди. Шунинг учун ҳам у, ўлим олдидан васиятнома ёзиб қолдирди. Бу васиятнома буюк инсон қалбининг абадий нидоси бўлиб эшитилади: «Татарча ёзувни танийдиган ва бу дафтарни ўқувчи дўстга!

Буларни татарларнинг таниқли шоири Муса Жалил ёзиб қолдирди. Унинг тарихи бундай... 1942 йилда урушга кетиб ҳам... асирликда кўп азоблар тортиб, қирқ ўлимдан қолиб, охирида Берлинга келтирилди. Берлинда яширин сиёсий уюшмада қатнашувда, совет пропагандаси тарқатувда айбланиб қўлга тушди ва турмага қамалди. Балки уни ўлим жазосига ҳукм этарлар. У ўлар. Аммо унинг асирликда ва тутқинликда ёзган 115 шеъри бор. У шулар учун қайгуради. Шунинг учун 115 шеърнинг 60 тасини бўлса ҳамки, кўчириб қолдиришга тиришди. Аммо бу китоб қўлингга тушса, шеърларни яхшилаб, диққат билан оққа кўчириб сақла ҳам урушдан сўнг Қозонга хабар қилиб, татар халқининг марҳум шоирининг шеърлари деб нашр этдир. Менинг васиятим шу! Муса Жалил, 1943, декабрь».

Юрак қони билан ёзилган бу васиятнома, унинг юрак қони билан битилган шеърлари қаҳрамон шоирнинг буюк жасоратидир, унинг ўлмас хотирасининг абадий обидасидир.

Муса Жалилнинг Маобит тўрьмасида ёзилган шеърларини мамлакатимиз халқлари ва бир қанча чет эл халқлари ўз тилларида ўқимоқдалар. «Маобит дафтари» ўзбек китобхонлари орасида ҳам машҳурдир. Бу жанговар дафтар билан танишган ҳар бир киши унга бефарқ қарай олмайди. Дафтар билан бирга унинг отаси муаллифи ўзининг ёрқин, афсонавий, мардонавор сиймоси билан пайдо бўлади.

Оғир уруш гирдобига тушган шоир ўзини гражданлик, фарзандлик бурчини оқлашга бор кучини сарф қилди. У, қўлига қурол олиб, гитлерчи босқинчиларга қарши мардонавор жанг қилди. Шиддатли жангда душман қуршовида қолиб, ёв қўлига тушган чоқда ҳам таслим бўлмади. Тутқин қўлларини ёвга қарши қурол қилиб кўтарди, ёнган юрагини ғазаб қўшиқлари билан янгратди. Душман орасида яширин кураш ташкилоти тузиб, босқинчилар хонадонига даҳшат келтира бошлади. У, ўз атрофига ўзига ўхшаш садоқатли дўстларни тўплаб, улар билан биргаликда босқинчиларни емириш йўлларини излади ва бу йўлда курашди.

«Маобит дафтари»да шоирнинг «Қўшиқларим» ва «Дўстга» деган шеърлари бор. Бу икки шеърда оташин шоир ўзининг ҳаётдаги ўрни ва тилагини ёзиб қолдирган:

Мен қўшиқда ёлқинлантирдим
Не деса қалб, халқим— ўшани.
Қўшиқ билан дўстни мақтадим,
Қўшиқ билан енгдим душманни.
Куйлаб ўтдим шонли курашни,
Умрим ҳали кўркам ёз эди.
Сўнгги шеърим жаллод
болтасига
Бошни тутган чоқда ёзилди.

Шоир ўзининг сўнгги нафасигача, сўнгги томчи қони қолгунча ҳам курашди, ҳам қўшиқдан тўхтамади. Оғир асирлик шароитида, назоратчи жаллодлар кўзи олдида ҳар бир сатр шеърни ёзиш ва уларни дўстларга етказиш катта жасорат эди. Кўрқмас шоир ёзиш имконияти бўлган жойда қўлига парча қоғоз тушган вақтда юрак сўзларини шеър тили билан баён этишга ҳаракат қилди. Ҳар бир сўзни, ҳар бир сатрни олмосдай ўткир, қуёшдай ёрқин бўлишини истади. Юрагида тўпланган дардларини, ёвга қарши қасос туйғуларини тунлар бедор қолиб, азоб уқубатлардан ўзини сарҳуш сезганда бир-бир ёза бошлади. Қўшиқларни элга парвоз этишини истади.

Муса Жалил фашистлар асирлигида, Маобит турьмаларида бир қанча шеърлар ёзади. Унинг биринчи «Маобит дафтари»ни фашистлар асирлигида бўлган ҳамшаҳари Ниғмат Терегулов, 1946 йилда ватанига қайтгандан кейин Татаристон ёзувчилар союзига топширади. Муса Жалилнинг иккинчи «Маобит дафтари»ни эса Муса билан бирга тюрьмада бўлган белгиялик партизан Андре Тиммерманс 1947 йилда Брюсселдаги совет элчихонасига топширади. Элчихона шу йили бу дафтарни Татаристон ёзувчилар союзига юборади. Муса Жалил ўзининг учинчи шеърлар дафтарини тюрьмада бўлган яна бир ватандошига топширган эди, Лекин бу учинчи дафтарнинг тақдири ҳозиргача номаълум.

Маобит дафтарларига ёзилган шеърлар Муса Жалилнинг ҳамма асарларини ўз ичига олган эмас. Қаҳрамон шоир кўп шеърларини дафтарга кўчира олмаган ва уларни зўр ички дард билан «Улар мен билан бирга ўладилар» деб ёзиб қолдирган.

Катта қалб эгаси бўлган шоирнинг «Маобит дафтари»га кирган шеърларини ўқиган ҳар бир киши қаҳрамон шоирнинг босиб ўтган оғир жанговар йўлини кўз олдига яққол келтиради. Улар ватанпарвар, баҳодир замондошимизнинг, коммунистик давр кишисининг қаҳрамонликлар билан тўлиб тошган ҳаёт йўлини кўз олдимизда ёрқин гавдалантиради. Уларнинг азиз хотирасини ўлмас номларини абадийлаштиради.

Муса Жалил тюрьмада ётганида қўшни камерадаги ҳамшаҳар дўсти — ёвга қарши яширин курашда маслакдоши Абдулла Алишга бағишлаб «Дўстимга» деган шеър ёзади. Бу шеърда шоирнинг шахс ва халқ ҳақида, инсон ўз ҳаётини халқи ҳаётидан ажрата олмаслиги тўғрисида, балки керак бўлганда халқ бахт-саодати учун ҳаётини бағишлашга тайёр бўлиши ҳақида фалсафий фикр юритади ва жанговар сатрларда юрак нидосини ифодалайди:

Мен онт ичдим жондан
кечишга,
Сақлайман, деб, юртим,
элимни.
Юзта бўлса жонинг, ҳаммасин
Сен шу йўлга бермас эдингми?
Ботирлик ва халққа садоқатни
Исбот этдик — бўлдик
фидоқор.
Бизнинг ёшлик шундай ҳислар
ёнлан
Бўлган эди кучли ва донгдор.

Шоир ўзининг халққа бўлган садоқатини, унинг бахт-саодатига бағишланган ҳаётини ана шундай оташин мисраларда тасвирлайди. У, ўз ёшлигини эслаб, «Бизнинг ёшлик шундай ҳислар билан бўлган эди кучли ва донгдор» дейди. Чиндан ҳам Мусанинг ёшлик йиллари кучли ва донгдор бўлган. Шоирнинг ҳаёт йўлига мурожаат этайлик.

Муса Жалил 1906 йилнинг 15 февралида Оренбург губернасида деҳқон оиласида дунёга келади. Бошланғич маълумотни овулда олади, кейин шаҳарда ўқийди. Муса зийрак, қобилиятли бўлган. Октябрь революциясини шодиёна кутиб олади. Революцион ҳаракатларда актив қатнашади. 1919 йилда комсомол сафига қабул қилинади. Ана шу даврдан бошлаб шеърлар ёза бошлайди. Унинг биринчи шеъри 1919 йилда Туркистон фронтида чиқадиган «Қизил юлдуз» газетасида босилади. Унинг биринчи шеърлар ва поэмалар тўплами («Биз борамиз!») 1925 йилда нашр этилади.

Муса Жалил партия ва комсомол органларида ишлайди, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ички ва ташқи душманларга қарши курашда актив қатнашади. Кейин матбуот органларида ва ижодий ташкилотларда ишлайди.

Муса Жалил Улуғ Ватан урушига қадар бўлган 20 йиллик ижодий даврида бир қанча йирик поэтик асарлар ёзиб қолдирди.

Муса Жалил Улуғ Ватан урушида бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан қатнашди.

Гитлерчилар Муса Жалилни қатл этган бўлсаларда, унинг табаррук номини, ёрқин овозини йўқота олмадилар. Унинг қўшиқлари қаҳрамон шоирнинг абадий шонли ҳаёт йўли бўлиб қолди.

Қаҳрамонлар ўлмайди. Қўшиқлар ҳам ўлмайди. Ҳаётини она-Ватан бахт-саодати учун ҳаётини бағишлаган Муса Жалил ўзининг ажойиб қўшиқлари, ўлмас шеърлари билан бизнинг қаторимизда яшамоқда, буюк халқимизнинг буюк ишларида актив қатнашиб келяпти. У, барча эрксевар халқлар қалбида абадий яшайди.

Н. ЭҒАМНАЗАРОВ.

ҚЎШИҚЛАРИМ

Қўшиқларим, униб
қалбимда,
Она юртда гулдай
балқингиз!
Қанча бўлса сизда куч,
ёлқин
Шунча бўлар ерда
ҳақингиз.

Сизда ҳамма хис-
туйғуларим,
Сизда тоза ёшим, ўйларим.
Сиз ўлсангиз —
унутиларман,
Яшасангиз — тирик
бўларман.

Мен қўшиқда
ёлқинлантирдим,
Не деса қалб халқим —
ўшани,
Қўшиқ билан дўстни
мақтадим,
Қўшиқ билан енгдим
душманни.

Пасткашликнинг завқи
алдолмас,
Ва турмушнинг ҳаю-ҳаваси.
Шеъримдаги ҳақ, олов,
севги
Ҳаётимнинг бутун маъноси.

Ўлганда ҳам қалб содиқ
қолар
Шеъримдаги эзгу онтимга,
Бор қўшиғим элга атадим,
Умримни ҳам берай
халқимга.

Қуйлаб ўтдим шонли
курашни,
Умрим ҳали кўркам ёз эди.
Сўнгги шеърим жаллод
болтасига
Бошни тутган чоқда ёзилди.

Ҳур яшашга шу куй
ўргатди,
Ҳам ўлишга мардона туриб,
Умрим менинг мунгли куй
эди,
Ўлимим ҳам янграр куй
бўлиб.

26 ноябрь 1943 йил.
М. БОБОЕВ таржимаси.

ШОИР ҲАҚИДА

С. СМИРНОВ

Жаҳон маданиятининг гитлерчилик маразига қарши кураш тарихида Муса Жалил худди Юлиус Фучик каби фашизм зулмати орасида ярақлаб кўринган сиймолардан бирига айланди. Булар — интеллигент, адиблар вакиллари—руҳий куч, қўпол жисмоний куч устидан қанчалар тантана қилишини, ўз эътиқодининг мустаҳкам ва теранлигини, вақтинчалик ҳукмронлик қилаётган разолат устидан ғалаба қилишни ҳатто тош қудуқда ўтириб ҳам исботлаган кишилардир.

Мен учун, Муса Жалил гитлерчиликка қарши қаҳрамонона курашимизнинг ажойиб намуналаридан бири бўлиб абадий қолажак.

* * *

К. СИМОНОВ.

Муса Жалил мен учун қийноқ ва ўлим олдида ёзувчилик ва гражданлик жасоратининг намуналаридан бири бўлиб қолаверади.

У улкан шоиргина эмас, маънатли, жасур, улкан инсон ҳамдир ва хотирамизда абадий худди шундай бўлиб қолади.

* * *

С. ШЧЕПАЧЕВ.

Муса Жалил! Бу икки оғиз сўз поэзия ва жасоратга тўлиқ.

Қалбим уриб турар экан, бу сўзларни такрорлаганим-такрорлаган.

* * *

М. ТУРСУНЗОДА.

Муса Жалил энг яқин инсон ва севимли шоирлардан бири бўлиб қалбимдан жой олган.

Жалилни ўқир, у ҳақда ўйлар эканман, унинг бутун ҳаёти жасорат бўлиб туюлади менга. Бу шундай жасоратки, у билан замондошлари фахрланади, авлодлар интилади унга.

Унинг «Маобит дафтари» Помирнинг энг олис қишлоқларигача бориб етган. Ўлаётиб ғалаба қилган киши абадий барҳаётдир. Муса Жалил Венгрия халқ шоири Петефи ва чех Юлиус Фучик билан ёнма-ён туради.

* * *

Н. ТИХОНОВ.

Мен Муса Жалилни бирон марта кўрган эмасман. Лекин у билан кўпдан таниш ҳис қиламан ўзимни. Унинг шеърларини ўқир эканман, халқ ва партияга садоқатини қони билан оқлаган бу ажойиб шоирнинг қалби ила суҳбатлашаётгандай бўламан.

ҲАМОН ХОТИРАМДА

Мен Муса Жалилни икки марта кўриш бахтига муяссар бўлганман. Биринчи учрашувимиз ёшлик йилларида бўлган эди. У пайтларда Муса Қозон рабфакида ўқирди. Бир оқшом адабий кеча ташкил қилинди. Хушчақчақ, сергайрат Муса ҳар вақтдагидай бу сафар ҳам одамларнинг диққат марказида эди. У Маяковский ижоди ҳақида гапириб берди, шоирнинг «Сўл марш» шеърини марок билан ўқиди. Кейин Ҳоди Тоқташнинг «Абадий эртак» номли фалсафий шеърини ўқиди, ўзининг баъзи шеърларини ҳам ёдаки айтиб берди. Бундай кечалар рабфакда тез-тез уюштириб турилларди. Мен ҳам «Абадий эртак»ни, шунингдек Мусанинг «Чин юрақдан», «Музёрар» шеърларини ёддан билар эдим. Яширишнинг ҳожати йўқ. Мусанинг шеърларини худди ўзи каби оҳанг ва ҳаракатлар билан ўқишга интилар, ҳуллас Мусадек бўлишни орзу қилардим. Рабфакда бунга интилганлар оз эмас эди.

Муса Жалил Ватанга садоқат, чин муҳаббат, матонатни куйлар, ўзи ҳам шунга амал қилар эди. Унинг қувноқ ва сёрзавқ шеърлари ўз характеридан келиб чиққанлиги кўриниб туради.

Иккинчи марта Муса Жалил ВЛКСМ Марказий Комитети татар-бошқирд секциясининг секретари бўлиб ишлаётганида у билан кўришдим. Муса Жалил биз билан суҳбатлашди. Уша пайтларда ёшларнинг бутун вужудида гражданлик уруши романтикаси жўш урар, орамизда уруш қаҳрамонларига, хусусан Чапаевга тақлид қилувчилар кўп эди.

Мен халқ терговчиси бўлиб ишлар, папах кийиб тўппонча осиб юрардим.

— Мана, бунақа ўйинчоқларга қизиқишингни ташла, — деди у тўппончамга имо қилиб. — Папахингни ҳам ташлаб, ўрнига бошқа соддароқ нарса кийиб ол. Агар, лозим бўлиб қолса, яна папахга навбат келар. Энди биз билим олишимиз керак. Ильич айтганидай ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш зарур. Социализм қуриш учун билимдон одамлар ҳали кўп керак бўлади.

Мусанинг ҳақ эканлигини ҳозир айниқса чуқурроқ ҳис қиламан. Ўша пайтдаёқ у бошқаларга маслаҳат беришгина қолмай, ўзи ҳам ташналик билан ўқир, ўрганар эди. Рабфакни тугатганидан сўнг Москва университетига кирди. Университетни битиргач аспирантурага кирмоқчи бўлиб юрди.

Шоир ўтмиш маданиятининг ёдгорликларини айниқса севар, татар адабиётининг асосчиси Абдулла Тўқайнинг шеърларини севар эди. У фақат татар адабиёти билан чекланиб қолмас, шарқ ва ғарб адабиётини ўрганарди. Умар Хайём билан Навоий, Пушкин билан Некрасов унинг энг севимли шоирлари эди. Шунингдек у замондошлари — А. Твардовский, М. Исаковскийлар ижодини яхши кўрарди.

Машаққатли ва даҳшатли уруш йўллари Муса Жалилни олисларга етаклаб кетди. У фашизм қурбони бўлди. Лекин ўлим олдида ҳам ғалаба қилиб ҳалок бўлди. Жанговар шоиримизнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланажак.

Г. АЛМУҲАМЕДОВ,
журналист, «Ўзбекистон» журналининг ходими.

Муса Жалил (ўнгда) ва композитор Н .Жигановнинг татар миллий операси «Олтин соч» устида ишлаётган пайтлари.

БАҲОРНИ ҚАРШИЛАБ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Октябрь» колхозининг чорвадорлари партия XXIII съезди шарафига куни сайин меҳнат активлигини оширмоқдалар. Сигирлардан сут соғиб олиш тобора кўпаймоқда. Ферманинг илғор сут соғувчиси Лайло Муродова ўз боқимидаги сигирлардан ҳар куни 130—140 литрдан сут соғиб олишга муваффақ бўляпти. Суратда: ўртоқ Лайло Муродова ҳозиргина соғиб олган сутини бидонга қуймоқда.

М. Тўйчиев фотоси.

Степан Бриславский совхоз устахонасида анча йиллардан буён слесарлик қилади. Шу давр ичида у кўп тажриба тўплади. Ҳар қачон устахонага келтирилган тракторларни тез ва сифатли ремонт қилишда ҳалол ишлайди. Бошқаларни ҳам шундай бўлишга даъват этади. Қўл ўчида қилинган ишларни кўрса, зардаси қайнаб кетади. У ҳам тез ҳам соз ишлаб, норма бажаришда ҳам бошқалардан қолишмайди. Кунлик топшириқни бир ярим баравардан оширади. Бошланган ишни тамом қилмай устахонадан кетмайди.

— Бугунги ишни эртага қолдиришни ёмон кўраман, — дейди у.

Слесарь Николай Чадин ҳам ўз устози С. Бриславскийдан қолишмай меҳнат қилмоқда. Касбдоши билан бирга ишга келиб, бирга қайтади. Моҳир касб эгаси тракторларнинг унумли меҳнат қилишига ҳисса қўшаяпти. Айниқса, унинг эски мотор ва ёқилғи аппаратларини ремонт қилишдаги нуҳта ишлари кўпчиликни ҳурсанд қилмоқда.

Совхоз устахонасида эрта тонгданоқ иш қизғин бошланади. Ҳар бир киши ўз касбига доғ туширмасликка ҳаракат қилади. Устахона ходимларига тракторчи ва механизаторлар ҳам ёрдамга келишган. Комплекс механизациялашган 91 та звено бошлиғининг ҳаммаси шу ерда. 2-бўлимнинг тажрибали механизатори Ғуломхон Саидхонов, 5-бўлимнинг звено бошлиғи Абдураҳмон Қўзибоевлар ҳар куни баракали меҳнат қилишади.

1-бўлим пахтачилик звеносининг бошлиғи Арслон Ризманов аввалларида ремонт ишларида қатнашмасди. Ремонтни бошқалар қилишарди. Бу яхши натижа бермади. Уни Арслон ўзининг иш фаолиятида тез пайқаб олди. Тракторнинг ишидан, бузилиши кўп бўлди. Ғўза қатори ораларига ишлов бериш эса кечикиб кетди. Бир неча йил давомида гектар бошига ҳосил етиштириш 12—15 центнердан ошмади. Мана, икки йилдан бери Арслон «пўлат от»ни ўзи ремонт қиляпти. Устахона ходимлари бу ишда унга яқиндан ёрдам беришяпти. Ремонт сифати яхши бўляпти. Агрегати эскишдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар тўхтовсиз ишлаб турибди, Ҳосил ҳам борган сари кўпаймоқда. Эндиликда звенодаги етиштирилган ҳосил гектар бошига 24 центнерданга етди.

— Бу йил ҳам, — дейди звено бошлиғи, — тракторимни ўзим ремонт қилдим. Ҳар бир детални синчиклаб кўздан кечирдим. Ҳозир кўкламга тахт бўлиб турипти. «Пўлат от»ним ёзи билан бетўхтов ишлайди. Бунга аминман.

Механизатор ремонтчиларнинг ёнига борамиз. Қилаётган ишларига разм соламиз. Улар чарчаш нималигини билмайдиган азаматлардан. Вақтни бекорга ўтказишмаяпти. Қўклам экишигача техникани тахт қилиб қўйишга ҳаракат қилишмоқда. Ҳаракатдан баракат, деганлари ҳақ гап. Партиямизнинг XXIII съездини меҳнат вахтасида туриб кутиб оламиз, дейишади улар. Уюшқоқлик яхши натижа берди. Меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Янги беш йиллигимизнинг дастлабки ойига якун ясалди. Совхоздаги 103 чопиқ тракторининг 102 таси ремонтдан чиқарилди. 91 та экиш сеялкасидан 86 таси экишга тахт.

Қолганлари февралнинг дастлабки ҳафталарида қўлдан чиқади. Ҳайдов тракторларининг ҳаммаси ҳам ремонт қилиниб, шайлаб қўйилди. Совхозга қўшимча равишда янги тракторлар ҳам берилди. Булар анча тез юриши ва кўп от кучига эга бўлиши билан бошқа тракторлардан фарқ қилади. Янги тракторлар обкатка қилиняпти. Улар тракторчи кадрларга биркитилмоқда.

Устахона ёнидаги ҳашаматли бинo ҳам шу кунларда кишилар билан гавжум. Бу ерда 28 ёш ишчи йигит таълим ояпти. Улар тракторларнинг тузилиши ҳақида лекция тинглашяпти, машиналарни бошқариш юзасидан амалий машғулотлар ўтказишмоқда. Ҳа, яқин вақт ичида совхозда техникани биладиган кишилар safи янада кенгаяди. Ана шунда тракторлар ва терим агрегатларининг деярлик ҳаммаси бемалол икки сменада ишлайберади. Қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш янада яхши йўлга қўйилади.

Совхознинг бош инженери Ғуломназир Турдиохунов қўлидаги маълумотларга қараб, бўлим ва устахонадаги ишларнинг аҳволини бирма-бир айтиб беради. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини барвақт тамомлаганлар ҳозир культиватор ва пахта териш машиналарини ремонт қилишга киришганликлари ҳақида хурсанд бўлиб сўзлайди. Маккажўхори, галла ўриш комбайнларини мавсумга тайёрлаш ишлари ҳам график асосида кетмоқда.

— Олдимиздаги энг муҳим, масъулиятли ишларни тез ва муваффақиятли бажаришда, — дейди бош инженер, — «Узсельхозтехника» бирлашмаси область бўлимининг ходимлари ҳам яқиндан ёрдам беришлари керак. Афсуски, биз ана шундай ёрдамни сезмаяпмиз. Айниқса улар бизларга етарли миқдорда двигателлар бериб туришмаяпти.

Бош инженер ҳақ гапиради. Ҳали ҳам «Узсельхозтехника» бирлашмасининг область бўлими ва унинг жойлардаги базаларида эҳтиёт қисмларнинг ҳамма турларини топиш амримаҳол. Двигатель масаласини олайлик. Уни бирлашманинг Янгийўлдаги махсус устахонасига юборилди. У ерда эса двигателни ҳаммага беришавермайди.

Совхознинг устахонаси типовой. Тажрибали кадрларга эга. Шундай экан, нима учун двигателлар бевосита совхоз устахонасига юборилмаяпти. Ишдаги шундай саналорликка чек қўйилиши, керак. Ҳамма ерда ремонт ишлари кенг авж олдирилиши керак. Ремонтчиларнинг қўлини ушлаб, вақтини бекорга ўтказмаслик учун эҳтиёт қисмлар билан тўла таъминлаш керак. Бундан «Узсельхозтехника» бирлашмасининг ходимлари тегишли хулоса чиқариб олмоқлари лозим.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири, 1-«Пискент» совхози.

ОЛҒА ИНТИЛАЁТГАНЛАР

Дзержинский номли колхозда тўрт йил давомида сурункасига пахта тайёрлаш давлат плани бажарилмади. Нима учун? Чунки деҳқончилик маданиятини яхшилашга, механизациядан унумли фойдаланишга, алмашлаб экишга етарли эътибор берилмай келинди. Илгари илғорлар сафида бўлган хўжаликнинг бундай қолоқликка тушиб қолиши ачинарли бир ҳол эди.

Мана, кўлимизда ўтган йилнинг натижалари. Колхоз 1700 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 18 ўрнига 20 центнердан ошириб, жами 3166 тонна пахта сотди. Ҳаммадан қувончлиси шу бўлдики, машина билан пахта теришга катта эътибор берилди. Ялпи ҳосилнинг 60 проценти — 1913 тонна пахта хирмонга «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

Айниқса хўжалик ҳисобида ишлаётган комплекс механизациялашган звено аъзолари қўлга киритган ютуқлар қувончли бўлди. Карим Ҳайдаров бошлиқ звенони олиб кўрайлик. 53 гектар ер биркитилган эди. Ер ҳайдашдан тортиб теримгача механизация кўл келди, деҳқоннинг оғирини енгил қилувчи мададкори бўлди. Бу звенода гектаридан 31,4 центнердан ҳосил олинди. 95 процент пахта машиналарда терилди. Иш сифатли бўлганлиги, механизация кенг қўлланилганлиги сабабли пахтанинг таннархи мўлжалдагидан анча арзонга тушди. Бир центнер пахта етиштириш учун 15 сўм сарфланди. Колхозчилар меҳнат кунига тақсимланган даромад ҳалол меҳнатга яраша бўлди. Ҳар бир иш кунига ўртача 8 сўмдан ҳақ олишди. Звено бошлиғи Ўртоқ Ҳайдаровнинг бир йиллик даромади эса, 3995 сўмни ташкил этади.

Хўжаликда ана шундай ютуқларни қўлга киритган звеноларсони оз эмас. Ортиқбой Қодиров, Омон Эшонқулов, Юсуфали Алиев ўртоқлар бошлиқ звеноларда ҳам хирмон баракали, даромад катта бўлди.

Агар колхоз бўйича пахтачиликдан келган даромадни сарҳисоб қилсак, илгариги йилларга қараганда анча кўп эканлигини кўрамиз. Кассага планда кўзда тутилган 1 миллион 180 минг ўрнига 1 миллион 456 минг сўм, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан келган маблағ билан қўшиб ҳисоблаганда 1 миллион 708 минг сўм пул тушди. 1963 йилда колхозчилар бир меҳнат кунига 1 сўм 60 тийиндан ҳақ олган эдилар. Ўтган йили 3 сўм 69 тийиндани ташкил этди.

Колхозда чорвачиликни ривожлантириш учун ҳам зарур чоралар кўриляпти. Ўтган йили гўшт, сут, жун тайёрлаш ва давлатга топшириш планлари ҳам ошириб бажарилди. Айниқса ўртоқ Н. Федотов бошчилик қилаётган чўчқачилик фермаси коллективи колхозга катта фойда келтирди. Бу ферма бўйича 10800 сўм фойда олинди.

Даромад яхши бўлганлиги туфайли колхознинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жамоат ва уй-жой binolari қуриш соҳаларига етарли миқдорда маблағ ажратилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида колхоз 15 та пахта териш машинаси, 9 та ҳар хил маркали трактор ва 1 та кўрак чувиш машинаси сотиб олди. Колхозчилар учун 46 уч хоналик уй қуриб берилди.

Бугун колхоз далалари ва фермаларида бўлсангиз, деҳқонлар, чорвадорларнинг янги муваффақиятлар сари дадил қадам ташлаётганларини кўриб, хурсанд бўласиз. Карталар яхлитлаштирилмоқда, зарур топилган ерларга яхоб бериляпти, шўр ювиляпти. Пахта майдонларининг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқариляпти. Техника ремонти ҳам жадал давом эттирилмоқда.

Партиямиз XXIII съезди шарафига вахтада туриб ишлаётган колхоз аъзолари бу йил пахтанинг ялпи ҳосилини 3200 тоннага етказиш ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам комплекс ривожлантириш, пахта, чорва маҳсулотлари таннархини тобора арзонлаштириш йўлида астойдил кураш олиб бормоқдалар.

В. ЎЛМАСБОЕВ.

ФЕВРАЛЬ ҒЎЗАСИ

Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг Урта Осиё тажриба станциясидаги теплицада ўстирилган ғўза туплари пахта кўсаклари билан безанди. Уларнинг ҳосили март — апрель ойларида етилади, за бу ҳосилнинг чигити иккинчи қайта очиқ тупроққа экилади. Мазкур тажрибадан кузатилган мақсад — шу йўл билан янги ғўза навлари етиштиришни икки марта жадаллаштиришдир.

Пахтадан йилига икки марта ҳосил олиш юзасидан қилинаётган бу қизиқ эксперимент икки йилдан буён ўтказилмоқда. Бу тажрибанинг автори техника экинлари лабораториясининг мудири Х. А. Висоцкий ЎЗТАГ мухбири О. Пановага қуйидагиларни маълум қилди: дастлабки кузатишлар ва кузда экилган вариантларни ўрганиб чиқишга асосланиб ҳозирнинг ўзидаёқ усти ёпик тупроқларда ғўза ўстириш агротехникасининг асосий томонларини белгилаб бериш мумкин.

Теплицаларда чигит экиш учун энг қулай вақт сентябрь ойи экан. Ғўзаларни ҳафта сайин озиқлантириб туриш ва бунда тупроққа ўғитни суюқ ҳолда солиш, шу билан бир вақтда ғўза барглари устига рух, бор, темир, магний ва бошқа микроэлементларни пуркаш айниқса фойдалидир.

Чапдаги суратда Янгийўл шаҳар маданият уйи қатнашчиси ҳаваскор Ж. Нурбоев қўшиқ ижро этмоқда. Ўнгдаги суратда эса Янгийўл шаҳридаги Навоий номли мактабнинг ўқувчиси З. Одилова ҳиндча рақсга тушмоқда.

А. Абалян фотолари.

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

Область бадиий ҳаваскорлик коллективларининг олти кун давом этган кўриги чинакам санъат байрамига айланиб кетди. Кўрик давомида областимизнинг қишлоқларидан, шаҳарлари ва колхозсовхозларидан келган 600 дан ортиқ бадиий ҳаваскорлик коллективлари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Кўрикнинг, айниқса якунловчи куни жуда муваффақиятли ўтди. Ҳа, ўтган дам олиш куни Чирчиқ шаҳрида талантларнинг шўхчан қўшиқлари, жозибадор рақслари баралла янгради. Кўрикка қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 60 га яқин коллектив катта имтиҳондан ўтди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар бир коллектив бу ижодий имтиҳонга оригинал номерлар билан келишган эди.

Химия машинасозлари маданият саройи хор коллективи саҳнага чиқади. Ишчилар, инженер-техник ходимлардан ташкил топган 60 кишидан иборат хор коллективи она ер мадҳини улуғловчи қўшиқни ижро этади. Шунингдек, бу коллектив ижросида ватанпарварлик ҳақидаги қўшиқлар ҳам янгради.

Чирчиқ пойафзалчилари ҳам ўзининг мақтаса арзигудек талантларига эга. Улар иштирокида ашула ва рақс ансамбли, хор коллективи ташкил топган. Залдагилар уларнинг чиқишларини ҳам қизғин кутиб олдилар. Айниқса, қизлар рақс группаси бажарган татарча рақс кўпчиликка манзур бўлди. Қизлар «Рўмол» ўйинини жуда завқ билан ижро этишади. Бундан ташқари рақс группаси кўрсатган номерлар ҳам ўзига хос жозибага эга.

Яна бирнеча кундан кейин область бадиий ҳаваскорлик коллективларининг якунловчи концерти бўлади. Унда, Чирчиқдаги бир қатор ҳаваскорлар коллективлари ҳам иштирок этишади.

А. АДИЕВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

15 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.20 — **Оқ йўл!** (болалар учун), 18.40 — **Реклама ва эълонлар,** 18.50 — **Унинг қуроли—сатира** (С. Мартинсон ижоди).

Ўзбек тилида: 20.20 — **Мангу ҳаёт** (Мўса Жалил туғилган кунинг 60 йиллиги), 20.50 — **Телевизион янгиликлар,** 21.05 — КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олайлик. **Олмалиқ—меҳнат вахтасида,** 21.25 — **Ўғирланган умр** (Ҳамза номли театр спектаклидан парчалар), 22.00— **Аргентина бўйлаб,** кейин — **Эртаги кун эшиттиришлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.55 — **Комсомолдан ўрнак олинг** (мактаб ўқувчилари учун), 19.25 — **Тошкент янгиликлари,** 19.35 — **Иккинчи ҳаво...** (телефильм), 20.00 — **Замондош** (телеочерк).

Рус тилида: 20.20 — **Совет диёридаги самимий учрашувлар** (ҳужжатли фильм), 21.10 — **Тошкент янгиликлари,** 21.20 — **Пиросмани** (ҳужжатли фильм), 21.40 — **Одамлар ва йиртқичлар** номли бадиий фильмнинг 1-серияси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/II да **Риголетто,** 16/II да **Мазепа.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/II да **Котил,** 16/II да **Хатарли йўл.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/II да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Анатолий Фурманов гастроллари** (иллюзион аттракциони), РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Владимир Довейко** раҳбарлигида акробатлар группаси ва бошқа номерлар. Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Биз, рус халқи (кенг форматли фильм) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 ва 9-15 минутда).

Оддий фашизм (1 ва 2-серия)— НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Чангда қолган гул (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 12-20 ва кеч 9-40 минутда.)

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
15, 16, 17, 18 февралда
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ
концертлари
Концертларда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова, Дилором Шерова,** солистлардан **Қувондиқ Искандаров, Исҳоқ Катаев, Зокиржон Султонов, Холисхон, Қодирова, Ойхон Ёқубова, Манзура Мўминова, Роҳатой Маннонова, Саида Толибохунова, Отажон Ражабов, Утқир Холмуҳамедов,** Бутуниттифоқ театрлар фестивали лауреати **Зайтуна Тожибоева, Ғулом Тожиаълоев,** ўзбек халқ чолғу оркестри ва ансамбли қатнашади.
Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар эстрада театри кассасида кундуз соат 2 дан ва райкассаларда соат 12 дан сотилади.

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

ВАХШИЙЛАРЧА ҲУЖУМЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАНОЙ, 12 февраль. (ТАСС). Американинг 7-флоти кемаларида ва Жанубий Вьетнам ҳамда Таиланддаги ҳарбий базаларда жойлашган самолётлар 10 февралда Вьетнам Демократик Республикасининг ҳаво чегарасига бостириб кирди. АҚШ авиацияси Куангбинь, Хатинь, Нгеан ва Тханьхоа вилоятларидаги аҳоли яшайдиган пунктларни ва саноат объектларини бомбардимон қилиб ўққа тутди, деб хабар беради ВИА агентлиги.

ГФР МАЪМУРЛАРИНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ ҲАРАКАТЛАРИ

БЕРЛИН, 12 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда ГДР гражданларининг Ғарбий Германияда ушлаб қолингани каби янги воқеалар тўғрисида хабар берилди. 8 февралда Ғарбий Германия полицияси Ғарбий Германияга қилган сафаридан кейин ГДР га қайтиб кетаётган Дрезден шаҳар советининг ходими Фриц Бемени қонунга хилоф равишда ушлаб қолган.

Ўша қунининг ўзида Дюссельдорфда бу ерга ГФР даги йирик корхоналардан бири ишлаб чиқариш кенгаши рансининг таклифига биноан келган учта ГДР граждани қамоққа олинган ва 11 соат ушлаб турилган. Улар билан жиноий айбдорлар сингари муомала қилинган ва тахқирловчи сўроқлар берилган.

КОСМИК ДАВР ПИОНЕРЛАРИ

«Луна-9» станцияси ўзининг ҳақиқатан ҳам мислсиз программасини муваффақиятли адо этганига бир неча кун бўлиб қолди-ю, лекин жаҳон аҳли ҳамон бу воқеага қойил қолмоқда. Ҳатто, космик лаборатория Ойга қўндирилганлигининг ўзи ҳам жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. Космик даврнинг писнери ва ижодкори бўлган совет халқининг номига шоду-ҳуррамлик билан ёзилган сон-саноқсиз қутловлар ёғилиб кетди. Жаҳон аҳли халқимизни фақат Ернинг тортиш кучи устидан эмас, шу билан бирга Ойнинг тортиш кучи устидан ҳам ғалаба қозонганлиги билан астойдил табриклямоқда.

Космосни забт этиш тарихидаги янги саҳифа жуда катта халқаро-сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир. Совет ижодкорлик илмининг бу зафари мамлакатимизнинг космонавтикадаги пешқадамлигини тағин ҳам маҳкамроқ мустаҳкамлаб қўйди. «Совет олимлари, — деб ёзади» «Вашингтон Пост» газетаси, — эндиликда Ой юзаси ҳақида шундай ахборотларга эга бўладиларки, Американинг «Рейнжер» станцияси олган суратлар бундай ахборотларни бермаган эди... Ойга қилинаётган пойганинг мана шу муҳим этапида руслар шартта олдинга ўтиб кетдилар». Чет эл матбуотининг ёзишича, Америка «Ойга ютишоқ қўнишга уринишни фақат май ойига планлаштираётган эмиш, шунда ҳам бу режа ҳамма иш жойида бўлган тақдирдагина, рўёбга чиқарилар эмиш.

Одамлар фан ва техникамизнинг космосдаги янги зафарида совет тузуми ҳамма соҳаларда — иқтисодий, маданий, социал соҳаларда эришган ажойиб ютуқларнинг йиғма ифодасини кўриб турибдиларки, шундай бўлиши қонуний бир ҳолдир. Аргентинада чиқадиган «Нуэстра Палабра» газетаси қуйидаги воқеани эслатиб ўтади: машҳур инглиз фантаст ёзувчиси Герберт Уэллс В. И. Ленин билан суҳбатлашганидан кейин, коммунистик партия мўлжаллаб қўйган улуғвор планларнинг қандай қилиб амалга оширилишини тасаввур эта олмай, бу планларни утопияга чиқарган эди. Мана энди, — деб ёзади газета, — 45 йил муқаддам қашшоқлик ва вайроналар ичра ҳаёт кечирган ўша мамлакат, ҳатто фотоаппаратлар ишлаб чиқарувчи кичикроқ заводи ҳам бўлмаган ўша мамлакат энди бутун жаҳонни яна қойил қолдириб турибди. Бу мўъжизага имконият туғдирган нарса нима! Социализм.

«Луна-9», — деди Ливан радиосининг шарҳчиси, — тинчлик ва бахт-саодат йўлида инсон сарфлаётган ақл-заковат, куч-ғайрат ва ижодий меҳнатнинг тимсолидир. Космосни забт этишдаги мана шу янги ғалаба ўзининг энг яхши ҳаёт йўлидаги қаҳрамонона курашида инсон тантана қилганлигининг символи бўлиб қолсин. Совет космик кемасининг Ойга муваффақиятли қўнганлиги Ер юзида тинчлик идеялари тантанасини бошлаб берсин».

ГОНОЛУЛУДАГИ ЛУТТИБОЗЛИК

Вьетнам Демократик республикасини босқинчиларча бомбардимон қилишни 37 кун тўхтатиб туриш билан АҚШ «тинч ҳужум» бошлади, деган ҳийла-найранг муваффақиятсизликка учраганлиги равшан бўлиб қолгач, Қўшма Штатлар президенти Жонсон яна бир лўттибозликни саҳнага олиб чиқди. Энди лўттибозлик Гавайи оролларида ўйналди. Сайгон ҳукмдорлари ўзлари ҳам сира кутмаган бир пайтда, атил-тапил Америка самолётига ўтқазилиб, Жонсон билан «музокаралар» олиб бориш учун ана шу ерга етказиб келинди. Одамларнинг назарида дабдабали манзара ҳосил қилиш учун АҚШ президенти бир талай ҳарбий ва граждан маслаҳатчиларни ҳамда 300 дан ортиқ американкалик ва чет эллик мухбирларни ўзи билан Гонолулуга эргаштириб келди.

Хўжайинлар билан қўғирчоқларнинг «самимий оғиз-бурун ўпишишини» кўрсатувчи лўттибозлик «малика Каюлани» меҳмонхонасида уч кун давом этди. Натижада Гавайи декларацияси деган ҳужжат дунёга келди. Бу ҳужжатнинг ўтакетган мунофиқлик ва разилона демагогиядан бўлак «хосияти» йўқ.

Аммо, американкалик ва чет эллик обзорчилар мана шу кенгашнинг битта, ғоят хатарли жиҳатини қайд қилиб ўтдилар. Ҳатто, Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам тузукроқ сиёсий раҳбарлар қаторида саналмайдиган сайгонлик қўғирчоқлар президент Жонсондан Вьетнамдаги урушни «ғалаба билан тугатиш»а давом эттирмоқчимиз, деган вazда олдилар. Жонсон конгрессининг райи билан ҳисоблашмай, халқнинг розилигини олмай, якка ўзи АҚШнинг тақдирини Жанубий Вьетнамдаги уришқоқ ва сотқин сохта ҳукмдорлар тўдасининг тақдири билан қатъиян боғлаб қўйганлигига Американинг бир қанча газеталар очиқдан-очиқ аччиланмоқда. «Вашингтон Пост» газетасининг мухбири Керрол Килпатрик Гонолулудан қуйидагиларни ёзди: «Шу учрашув теварагида қўтарилган бутун шовқин-суронларга қарамай, унинг натижаси чамамда даргумон умидлар билан сиёсий хавф-хатарлар омухтасидан иборат бўлди. Қўшма Штатлар учун бу хатар шундан иборатки, Линдон Жонсон Жанубий Вьетнам раҳбарларга ўхшаб қолса ажаб эмас, бу раҳбарларни эса, барқарорлик намуналари деймиз амри маҳол».

Тўғри, деб ёзади матбуот, сайгонлик ҳукмдорларни чақиртириб келиб, шу фактнинг ўзи билан ҳам АҚШ президенти тубан кетган обрўсини вьетнамликлар назарида кўтариб қўймоқчи ва шу орқали қўғирчоқ режимнинг мавқеини мустаҳкамламоқчи бўлди. Лекин бу мўлжал пуч бўлиб чиқди. «Вашингтон Пост» газетасининг Сайгондаги бошқа бир мухбири Уорд Жастнинг ёзишича, вьетнамликлардан бири унга тўғридан-тўғри мана шундай деган: «мустаҳкамлик ва обрў Оқ уй билан Гонолулуга эмас, балки халққа боғлиқ эканлигини бизнинг ҳукуматимиз тушунмаяпти».

Кузатувчилар Америка ҳарбийлари Гонолулуда айниқса жонбозлик кўрсатганликларини қайд қилиб ўтдилар. Америка ҳарбийлари Вьетнамда Америка қўшинлари сонини икки баравар кўпайтиришни, ВДРга осмондан қароқчиларча қилинаётган ҳужумларни кучайтиришни ошкора талаб қилдилар. Бинобарин, Шарқий-Жанубий Осиёда агрессияни кенгайтириш хусусида аввалдан ўйлаб-қўйилган планларнинг маъқулланганлиги Гонолулудаги кенгашнинг асосий ва энг хатарли якуни бўлди. Бу эса, Жонсоннинг «тинч ҳужуми» ва унинг БМТга қилган мурожаати риёкорликдан иборат эканлигини яна бир карра ошкор қилиб қўймоқда, Америка пропагандасининг президент Вьетнамдаги аҳволни тинч бартараф этишга тайёрдир, деган гаплари ёлғон эканлигини фош қилиб ташламоқда.

Қўшма Штатлар Осиё қитъасидаги катта уруш гирдобига изчиллик билан ва онгли равишда тортилаётганлиги Америка жамоатчилигини ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Газеталар президентнинг сиёсатига сенатда қаршилик кўрсатиш кўчайиб бораётганлигини ёзмоқдалар. Сенатор Морзе бу сиёсатни «ер курраси-да тинчликка солинаётган энг катта таҳдид», деб атади. Президент Гавайига бора туриб ва у ердан қайтаётиб, қаерда тўхтаган бўлса, ҳамма жойларда, шунингдек Гонолулунинг ўзида ўнинг йўлига намойишчилар билан пойлоқчилар чиқиб турдилар, улар Американинг Вьетнамдаги агрессиясини қаҳр-ғазаб билан қораловчи ва разилона урушнинг тўхтатилишини талаб қилувчи шиорларни кўтариб олган эдилар.

Кези келганда шуни айтиш керакки, американкалик обзорчиларнинг таъкидлашларича, Гонолулуда шошиб-пишиб чақирилган кенгашнинг мақсадларидан бири президентнинг «тинчлик» руҳидаги баландпарвоз гаплари билан «исён кўтарган» сенаторларни ва даргазаб бўлган жамоатчиликни тинчитиб қўйиш эди. АҚШга қайтиб келгандан кейин, Жонсон ҳақиқатан ҳам шунга уриниб кўрди ва Лос-Анжелос телевиденеси орқали гапирди. Афсуски, деб ёзади «Нью-Йорк Пост» газетаси, президент «тинчлик каптари» ролини ўйнашни дўндира олмади. «Бу нутқда айтилган сўзларнинг биронтаси ҳам, — деб ҳисоблайди газета, — тинчлик проблемаларига ва музокараларга ҳақиқатан биринчи даражали аҳамият берилмоқда, деган ишонч туғдира олмади».

Шундай қилиб, Гонолулуда намойиш қилинган лўттибозлик ҳарбий саноат корчалонларининг Вьетнамда тўкилаётган қон эвазига ўз ҳамёнини олтин билан қаппайтириш ҳақидаги муддаосини рўёбга чиқармоқ учун американкалик «уруш калхатлари» ўз халқининг манфаатларини ва бутун дунё манфаатларини назар-писанд қилмасликда нақадар хатарли йўлга кириб кетганликларини кўрсатиб турибди.

И. К. БЕЛЯЕВ. (ТАСС).

ТУҲМАТЧИЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Б. Д. СИНЯВСКИЙ ВА Ю. М. ДАНИЭЛЬ ЖИНОЙИ ИШИ УСТИДАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН СУДДА

□ □ □

Синявский ва Даниэлни мен тирик ёзувчилар номидан, Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган жангларда ҳалок бўлган ўртоқларимиз номидан айблайман!— жамоат қораловчиси ёзувчи А. Васильевнинг шу сўзлари 12 февралда РСФСР олий судининг суд мажлиси залида янгради.

РСФСР олий судининг судлов коллегияси Синявский ва Даниэлнинг жиноий ишини уч кундан бери очиқ суд мажлисида кўрмоқда. Советларга қарши нғво қилувчиларга материаллар етказиб бериб турган бу муртадларнинг башараси тобора равшан кўринмоқда. Судга чақирилган гувоҳлар, судланувчилар бизнинг давлат тузумимизни ёмонловчи ўз асарларини ёзиш билангина чекланиб қолмай, бу асарларни чет мамлакатлардаги нашриётларга махфий равишда юбориб турганликларини ҳам исботлаб бердилар. Улар ўз «ижодлари» билан дўстлари ва ошналарини таништириб, улардан бунчи сир тутишни талаб қилганлар. Гувоҳлардан 3 киши, биз Даниэлга бу китобларнинг чет мамлакатларда босилиб чиқиши Ватанимизга зарар етказиши мумкин, деб огоҳлантирган эдик, дейишди. Лекин судланувчи бу огоҳлантиришга қулоқ солмаган...

Чет мамлакатларда Абрам Терц ва Николай Аржак тахаллуслари остида босилиб чиққан китоблар ва мақолаларни ҳақиқатан Синявский ва Даниэль ёзганлигини экспертлар судда исботлаб бергаларидан кейин, суд тергови тугади.

Суд раиси жамоат қораловчиси СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси А. Васильевга сўз беради, СССР Ёзувчилар союзи, РСФСР ёзувчилари союзи ва Москва Ёзувчилари союзи, дейди у. З. Кедрина билан менга бу судда ёзувчилар номидан қатнашишни топширидилар.

— Филология фанлари кандидати, танқидчи Синявский, — деди А. Васильев. — жаҳон адабиёти институтига, журналларимизнинг редакцияларига, Ёзувчилар союзига тез-тез келиб турар эди. У ўзини совет адабиётининг манфаатлари учун курашаётган киши қилиб кўрсатар ва ҳатто ўзи совет адабиётини марксизм-ленинизм позициясидан тойдиришга уринаётган деб ҳисоблаган кишилар билан жанжаллашар эди. Синявский ўз вақтининг кўп қисмини нималарга сарфлаганлигини энди кўриб турибмиз. У, бутун Совет тузумига нафрат ва ғазаб билан тўлган китоблар ва мақолалар ёзиш билан шуғулланиб келган. У бундай нафрат ва ғазабни ифодалашда оқғварднячилардан ҳам ошиб тушди. Синявский Абрам Терцга айланиб кетди...

Хўш, Даниэлчи? Шеърларни таржима қилганлиги учун совет нашриётларидан олган пуллар билан ҳаёт кечириб келган. Даниэль буржуа нашриётлари учун асарлар ёзиш билан банд бўлди... Бошқача қилиб айтганда, у Николай Аржакка айланди.

Ғарбдаги баъзи арбоблар, дейди А. Васильев, Синявский билан Даниэлни виждонли ва инсофли кишилар, дейишади. Агар мунофиқлар, икки юзлама шахслар инсофли кишилар қаторига қўшиладиган бўлса, демак, улар виждон ва инсоф деган сўзни галати маънода тушунар эканлар-да!

Воқеаларнинг мантиқи Синявский билан Даниэлни совет халқига ва социализмга душман лагерга олиб келди. Абрам Терцнинг Вашингтонда рус тилида нашр этилган «Любимов» деган повестига сўзбоши ёзган ашадди антисоветчи Б. Филипов деган бир шахс унинг ҳақида «бизнинг авторимиз» дейди. Мана шу «бизнинг авторимиз» деган иборага диққат қилинг!

Судланувчилар, деб давом қилди А. Васильев, ўғри ва газандаларнинг қўшиқларидан тахаллуслар танлаб олишдагина эмас, шу билан бирга, ўз ниятларини амалга оширишда ҳам яқдил бўлиб ҳаракат қилганлар. Синявский қаҳр-ғазабга тўлиб тошиб, ўзининг «Любимов» деган повестида асабийланиб жар солади: «Бизнинг қўлимизда лоақал битта батарея бўлганида эди, лоақал бирор ёмон милтик ҳам бўлганда эди, биз ўзимизнинг дод-фарёдимиз билан фалакни ларзага солиб юрмаган бўлур эдик... Афсуски, буларнинг биттаси ҳам қўлимизда йўқ!»

Дастлабки терговда ва суд мажлисида Синявский, менинг Советларга қарши ёзган асарларим адабий эрмакдан бошқа нарса эмас, сатирага, гротескка ақл бовар қилмаслик даражада бутун жон — дилим билан интилганлигим учун шунақа асарларни ёзганман, деб бизни ишонтирмоқчи бўлди. Лекин Синявский-Терц ўзи учун умуман ҳеч бир нарсани муқаддас деб билмайди. У, ҳар бир инсон учун азиз бўлган «она» деган сўзни ҳам бир чақага олмайди. У, рус хотинларини қандай тахқирлаганлигига бир қулоқ солинг, дейди А. Васильев, «шу жойнинг ўзида рўпарамизда турган оналарни кўринг. Улар бамисоли қурвақанинг салласига ўхшайди: шу қадар бадбўй, шу қадар жирканч... улар нима билан яшайди-ю, нима билан нафас олади. Уларнинг кимга кераги бор?»

Синявский-Терцнинг В. И. Ленинга бўлган нафрати ва қаҳр-ғазаби беҳад. Синявский куракда турмайдиган туҳматларни Владимир Ильичга тўнкайди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, йўлбошчимиз тўғрисида Синявский ўзи қилган туҳматларнинг кўпини меньшевиклар ва эсерлардан —уларнинг «Дело Народа» ва «Вперёд» газеталарида 1918 йилда эълон қилинган мақолаларидан кўчириб олган.

Ўртоқ судьялар — дейди жамоат қораловчиси. — Ўзлари нималар қилаётганликларини олдиндан билган икки антисоветчи шахс бу ерда қора курсида ўтирибди. Булар — Советларга қарши нуқул туҳматдан иборат китоб ва мақолаларни ёзиб жиноий мақсадлар билан чет мамлакатларга юбориб турдилар, шу тариқа халқимиз душманларининг совет тузумига қарши олиб борган иғвогарлик ва қўпорувчилик ишларига ёрдамлашдилар. Жиноятчи жазоланиши лозим!

Кекса аёлга сўз берилади. Бу аёл-таниқли совет адабиётшуноси, жамоат қораловчиси З. Кедрина.

Адабиётимизнинг муқаддас негизи бўлган социализмни ва коммунизмни нигилистларча рад этишни Синявский ўзининг «ижодий концепцияси»га асос қилиб олди. Унинг бутун иши совет кишиларига, бизнинг мамлакатимизга бўҳтон қилишдан иборат бўлди

У ўз асарларидан бирида совет кишиларининг кундалик ҳаётини гўё тасвирлаб бермоқчи бўлади. Хўш, у тасвирлаган одамлар қанақа кишилар экан. Ўз «даромадларини» ресторанларда ичиб тамомлаётган ва қадим замон савдогарлари каби айиш-ишратдан бошқани билмаган ўғрилар ва қотиллар. Терц асарларида кўрсатилган бирдан-бир ишчи, у ҳам оқибат натижада ўғрига айланади. У, даргазаб бўлган ва пасткаш разил шахслар билан тўлган вайроналарни ўз асарида кўрсатади.

Аржакнинг Советларга қарши ёзилган «Москвадан гапирамиз» деган повестини олиб кўрайлик. Бу асарнинг сюжети ҳам бемаъни, ҳам мудҳиш. Шу асарда ҳикоя қилинишича, ҳукматнинг «ошкора одам ўлдириш куни» тўғрисидаги фармони эълон қилинади. Шу куни ҳар ким ўзи ҳоҳлаган одамни бемалол ўлдира — бериши мумкин. Повестнинг асосий қаҳрамони бир неча «отащин» нутқлар сўзлайди, ўзи кимларни ўлдирмоқчи бўлганлиги ва ҳақиқатан ўлдириши кераклиги ҳақида ҳам гапиради. Буни ашаддий фашизм деса бўладими? Ҳа, фашизмнинг худди ўзи! Шу китоб қаҳрамони «очиқдан-очиқ одам ўлдириш» идеяси «Социализмнинг моҳиятидан» келиб чиқади, деб исботлашга уринади.

Советларга қарши пропаганда юритишдек разил йўлга тушиб олган вақтида Синявский ўзига «пир» қилиб олган Абрашка Терц тўғрисида тўқилган шармандали қўшиқда: «Абрашка Терц чўнтакка қўл солганда...» деган сўзлар бор. Мана шу сатрнинг ўзи ўз асарлари учун бўёқлар кидириб ўзгаларнинг чўнтакларига қўл солиб, бехаёлик билан ўғирлик қилиб юрган Синявскийнинг «ижодий методи» қандайлигини очиқ ифодалаб беради.

Синявский билан Даниэль бировларнинг образлари ва фикрларини ўғирлаб олиб ва уларнинг астарини агдариб шу тариқа Советларга қарши пропаганда учун қуроқ либослар тикишни ўзларига касб қилиб оладилар. Шу билан бирга, улар ўзларининг бу разил ишларига «ўз кўнгилларидан» чиқариб ўзларига хос қандайдир «янгилик» ҳам қўшадилар. Уларнинг қўшган янгиликларидан биринчиси порнографиядир. Уларнинг бу фахш тасвирлари олдида Арцибашев сингари фахшнавистларнинг энг беҳаё тасвирлари ҳам ип ешолмайди. Иккинчидан, уларнинг асарларидан антисимитизмнинг кўланса ҳиди бурқиб турибди. Андрей Синявский ўзига Абрам Терц деган номни тахаллус қилиб олганлиги ҳам бунинг энг яққол намунасидир.

— Мамлакатимизнинг ёзувчилар ташкилоти топшириғига биноан гапириб ва Синявский билан Даниэлни жиноий ишлари учун жазолаш керак деган талабни қувватлаб бу билан мен, дейди З. Кедрина, элимизни ва адабиётимизни антисовет пропаганда малайларининг ифлос ҳамлаларидан ҳимоя қилаётирман.

Жамоат қораловчиларининг сўзларини залдагилар гулдурос қарсаклар билан қутиб оладилар.

Сўнгра сўз давлат қораловчиси — СССР генерал прокурорининг ёрдамчиси О. П. Темушкинга берилади. У, судланувчиларнинг чет элларда нашр этилган китобларини бирма-бир ва батафсил анализ қилиб, мазаур китобларнинг антисовет моҳиятини очиб ташлайди. Шу китобларнинг мазмуни, дейди прокурор, Синявский билан Даниэль КПСС сиёсатига, Совет тузумига душман бўлиб келганликларидан далолат беради. Шунинг учун ҳам уларнинг нғво билан тўлган асарларини бурژуа нашриётлари кўплаб нашр қилиб келдилар. Шунинг учун ҳам Синявский билан Даниэль жавобгарликдан қўрқиб, ўзларини тахаллуслар билан ниқобладилар.

Судланувчилар ўзларининг «асарларига» буржуа матбуоти кандай баҳо бераётганлигини бундан бир неча йил муқаддам билган эдилар. Лекин шундай бўлса ҳам улар Советларга қарши ёзилган ўзларининг асарларини чет мамлакатларга яна юбора бердилар. Синявский билан Даниэль Совет ҳокиматига путур етказиш мақсадини кўзлаб шундай ёмон ният билан иш қила бердилар. Улар Совет мамлакатига қарши курашмоқ учун бизнинг душманларимизга идеологик қурол бериб қўйдилар, деди прокурор.

Прокурор Синявскийни етти йил озодликдан маҳрум қилиб, сўнгра беш йил сургунга юборишга, Даниэлни эса беш йил озодликдан маҳрум қилиб сўнгра уч йил сургунга юборишга ҳукм қилишни талаб этди.

Сўнгра давлат қораловчиси ўз сўзининг охирида қуйидаги гапларни айтганида залда яна қарсаклар бошланиб кетади:

— Даниэль ўзининг пасквиль повестларидан бирини, «Ошкора одам ўлдириш куни» эълон қилинганлиги тасвирланган повестини «Вуни Москва гапиряпти» деган сўзлар билан тамомлаган эди. Йўқ, Даниэль. Йўқ, Синявский Москва гапираётган нарса бутунлай бошқа. Москва демократия ва социализм идеяларини баралла айтаяпти. Москва, биринчи луниик совет лунниги бўлганлигини бутун дунёга эълон қилди. Биз ҳам Москва номидан айтамизки, туҳматчилар ва муртадларга лаънат.

Суд давом этмоқда.

(ТАСС мухбири).

ФУТБОЛНИНГ ОММАВИЙЛИГИ УЧУН

Кеча Тошкентда Ўзбекистон футбол федерацияси Советининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум республикада оммавий футболнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш масаласини муҳокама қилди. Шу ҳақда Ўзбекистон футбол федерацияси Советининг раиси ўртоқ М. А. Зоидов доклади тинглади.

Кейинги йилларда республикамизда оммавий футболнинг ўсганлиги футболчиларимиз спорт маҳоратининг юксалганлигини қайд қилиш керак. Ҳозир республикада спортнинг бу тури билан шуғулланувчилар сони 150 мингдан ошди. Мастерлар командаларимиз мамлакат биринчилигида яхши натижаларга эришдилар.

Пленум, шунингдек Ўзбекистонда ўсмирлар футболи ҳамда «А» ва «Б» класслари мастерлар командаларида мавсумга тайёргарлик ишларининг боришини ҳам муҳокама қилди.

Пленум қабул қилган қарорда футболни янада оммавийлаштириш билан бирга малакали мутахассислар ҳамда муносиб резервлар тайёрлашга асосий эътибор бериш кўрсатиб ўтилди

Пленум республика футбол федерацияси Советининг янги составини сайлади.

Ўзбекистон ССР Госплани «Главснаби»га қарашли Тошкент областлараро базасининг
Октябрь ва Олой бозорларидаги
ИНВЕНТАРЬ-ХЎЖАЛИК МАГАЗИНЛАРИ
болалар боғчалари, яслилар, интернатлар, мактаблар, касалхоналар ва ташкилотларга
ҳар хил
ХЎЖАЛИК ТОВАРЛАРИ ВА ИДИШ-ТОВОҚ
сотади
Бу товарларни перечисление тартибида, шунингдек чек дафтарчалари бўйича олиш мумкин.

ТОШКЕНТ «ХЛАДОКОМБИНАТИ»ГА
газоэлектросваркачилар, слесарлар, қозонхона операторлари, электромонтёрлар, токарлар, сувақчилар, бўёқчилар, юнчилар (ишбайга), **мороженое фабрикасига аёл ишчилар** (ишбайга), **бухгалтерлар**
КЕРАК
Воровский кўчаси, 6-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин. Телефон 6-24-12, 6-24-13.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Биз ҳнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда» бостони» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232, Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши — 25811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 07603. ИНДЕКС 64969 Г—1053.